



ПОСТГА

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН

Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2002 йил 12 декабрь, пайшанба • 50 (3474)-сон

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ



Конституция куни арафасида Ўзбекистон Республикаси ИИВ мажлислар залида тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Фармонига биноан мамлакатимиз мустақиллигининг ўн бир йиллиги муносабати билан ҳукумат мукофотлари ҳамда фахрий унвонлар билан тақдирланган ички ишлар ходимларига мукофотлар топширилди.



Тантананада республика Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги З. Алматов нутқ сўзлаб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари мамлакатда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётганлигини таъкидлади. Ўзбек халқи терроризм ҳақида эши-



Йигилганлар хизмат пайтида ҳалок бўлган ички ишлар ходимлари хотирасини ёдга олиб, бир дақиқа сукут сақладилар.

Шундан сўнг З. Алматов тўпланганларнинг қизгин олқишлари остида мукофотланганларга орден, медаль ва фахрий унвонлар топшириб, уларни самимий қутлади.

Мукофотланганлар номидан Тошкент шаҳар Сирғали тумани ИИБ профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти Қ. Оспанов, республика ИИВ Қоровул қўшинлари Бош бошқармаси бўлим бошлиғи ёрдамчиси, катта сержант Н. Павлова, хизмат бурчини

тибгина қолмай, у келтирган кулфатларнинг гувоҳи ҳам бўлган. Кейинги йилларда Ватанимиз душманларининг Ўзбекистон чегара худудларига бир неча марта суқулиб киришга уринишлари кузатилди. Аммо ички ишлар ҳамда бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг мардлиги, мардонавор саъй-ҳаракати туфайли уларга қақшатқич зарба берилди. Жанговар операциялар чоғида қурбонлар беришга ҳам тўғри келди.

адо этаётганда ҳалок бўлган – Тошкент шаҳар ИИББ пост-патруль хизмати милиционери А. Болтабоев ва Навоий вилояти ИИБ жазони ижро этиш муассасаси тезкор вакили И. Файзиёвнинг қариндошлари ва бошқалар сўзга чиқиб, миннатдорчилик билдирдилар.

Ўз мухбиримиз.

Суратларда: тантанана пайти.

Т. КАРИМОВ олган суратлар.

■ Бугун Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси ўз ишини бошлайди.

■ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президентимиз 2003 йилни “Обод маҳалла йили” деб эълон қилиш ҳақида билдирган таклифи гулдурос қарсақлар билан маъқулланди.

■ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовга дунёдаги барча мамлакатлар билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш, маданият ва таълимни ривожлантириш борасидаги буюк хизматлари учун Япониядаги Сока университети “Фахрий доктори” унвонининг дипломи топширилди.

САФАР НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Ўзбекистон ҳукуматининг таклифига биноан БМТ комиссиясининг инсон ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачиси Тео ван Бовен мамлакатимизда бўлди.

У қатор вазирликлар ҳамда идоралар, шу жумладан республика Ички ишлар вазирлигининг масъул ходимлари, омбудсман, Ўзбекистондаги Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази директори, ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотларнинг вакиллари ва айрим шахслар билан учрашди. Шунингдек, мамлакатимиздаги қатор жазони ижро этиш муассасалари, тергов ҳибсхоналарига ташриф буюрди.

Сафар ниҳоясида Тео ван Бовен республика оммавий ахборот воситалари вакиллари, мамлакатимизга вакил этилган чет эллик журналистлар билан учрашди. У саволларга жавоб қайтарар экан, маъруза тайёрлаш учун етарли материал тўплаганини айтди.

Ўз мухбиримиз.

ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА

● Самарқанддаги “СамКочавто” қўшма корхонаси шу йилдан бошлаб Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси, Германиянинг “Ивеко-Магирус” фирмаси билан ҳамкорликда ёнғинга қарши машина ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Тошкентда ана шу машинанинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

● Кемерово вилояти маъмурияти ногиронлар учун “Ҳаётга муҳаббати учун” махсус соврин таъсис этди. Ушбу соврин фаол ва иқтидорли ногиронларга берилади. Биринчи бўлиб “ВАЗ” автомобили билан ўн ёшидан оёғида расм сола бошлаган рассом Юрий Путилов мукофотланди.

● Келгуси йил кузидан АҚШ долларининг туси ўзгартирилади. Мамлакат Пул белгилари бюросининг маълумотларига қараганда аввал 20, кейин эса 50 ва 100 купюралик пуллар аввалгидек кўк эмас, турли рангларда чиқарила бошлайди.

● Унча катта бўлмаган бир ўринли самолёт Флорида штатининг Майами шаҳрида жойлашган Федерал заҳира банки биносига урилди. Учувчи шу заҳоти оламдан ўтди. Бино ва тева-рак-атрофда одамларнинг йўқлиги қурбонлар берилишига олиб келмади.

● Польша йўллари бўйлаб Францияга йўл олган ва салонида Россия, Украина, Беларусь мамлакатлари сайёҳлари бўлган автобус қуролланган босқинчилар томонидан таланди. Улар йўловчиларни қўрқитиб, пул ва қимматбаҳо буюмларни тортиб олишди. Босқинчилар ҳозирча қўлга олингани йўқ.

УЧИНЧИ «Постга» gazetasing ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV, NAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD, SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI, HAYRATOMUZ VOQEALAR, SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

TV O'LAM

МАСЪУЛИЯТНИ ЧУҚУР ҲИС ЭТИБ...

Кўхна ва ҳамisha навқирон Самарқанд шаҳри дунё халқларига ўзининг бебаҳо тарихий обидалари билан машҳур. Боболаримизнинг меъморлик ва наққошлик санъати, ҳунармандчилик намуналарини кўриш мақсадида бу ердан хорижлик сайёҳлар, Ватанимизнинг турли вилоятларидан келган меҳмонларнинг қадами узилмайди. Уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, жамоат тартибини сақлаш, кишини ҳайратга солувчи тарихий ёдгорликларнинг кўз қорачигидек асралишини патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси ходимлари зиммасидаги масъулиятли вазифадир.

Ички ишлар тизими ислох қилиниши туфайли шаклланган ушбу хизмат шахсий таркиби вилоятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш билан бирга, айниқса, Каттакўрғон шаҳри, Самарқанд шаҳрининг Сиёб, Боғишамол, Темирйўл туманларидаги тарихий обидаларга бой ҳудудларда намунали хизматни йўлга қўйганлар. Ходимлар жорий йилнинг ўтган даврида 179 та жиноятнинг очилишида бевосита иштирок этишди. Улар томонидан йил бошидан буён 2 та қотиллик, 79 та ўғрилик, 28 та талончилик, ўттиздан ортиқ гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятлар фош этилди.

Масалан, милиция кичик лейтенанти С. Мама-

солиев шахримизда хавфли жиноятчилар томонидан содир этилган босқинчилик, транспорт воситаларини олиб қочиш ҳолатларини аниқлаган эди. Тергов жараёнида бу газандалар томонидан илгари содир этилган яна саккизта ана шундай жиноят очилди. Куролли босқинчиларни

қўлга олишда кўрсатган мардлиги учун С. Мама-солиев "Жасорат" медали билан тақдирланди.

ППХ бўлини маси гуруҳ сардори, милиция сержанти И. Файбуллаев, милиция старшинаси Х. Раҳимов, милиционер-ҳайдовчилар, милиция сержантлари Т. Пардаев ҳамда М. Санакуловлар "Улуғбек" кўрғонидаги автобекатда Челақ туманилик Ш. Тугуловни гумон билан ИИБга олиб келишади. У текшириб кўрилганда қўлидаги сумкадан 2 кг 210 г марихуана топилади.

Сиёб деҳқон бозорида икки бекорчи – О. Баҳодир ва М. Аҳмадлар ўзаро жанжаллашиб қолишади. Натижада Баҳодир рақибининг қорнига пичоқ тикиб, яширинади. ППХ бўлини маси ходимлари, милиция старшиналари

А. Ўзбеков ҳамда С. Шодиевлар тезкор тадбирлар қўллаб, Баҳодирни ушлашади.

Вилоятда, шаҳар ва туманларда жамоат тартибини сақлаётган ППХ бўлини маси ходимлари йил бошидан буён жами ўн етти минг нафарга яқин ҳуқуқбузарни ИИБларига топширишди. Улар орасида яшаш, ишлаш жойининг тайини йўқ, шунингдек, майда безорилик, йўл ҳаракати, паспорт қоидаларини бузган, жамоат жойларида спиртли ичимлик истеъмол қилган шахслар бор.

Режага асосан ППХ ходимлари айни кунларда олтмишдан ортиқ пост ва йўналишларда хизмат қилмоқдалар. Улар зарур техника воситалари ҳамда автотранспортлар билан тўлиқ таъминланган. Жамоат тартибини сақлаш ишлари тўғри ташкил қилингани боис шу пайтгача шахримизга келган меҳмонлар ва сайёҳлар билан боғлиқ бирорта ҳуқуқбузарлик юз бергани йўқ.

Ходимларнинг иш ва яшаш шароитини янада яхшилаш мақсадида вилоят ҳокимлиги қарорига биноан шаҳардаги солиқ ҳарбий билим юртининг эски биносини таъ-



мирлаш, хоналарни замонавий усулда қайта қуриш ишларини бошлаб юбордик. В. Пардаев бошчилигидаги "Ғолиб-Д" масъулияти чекланган жамият ишчилари янги бинони Янги йил арафасида ППХ ходимларига совға тариқасида топшириш ниятидалар. Бундан ташқари вилоятнинг турли туманларидан келиб ишлаётган ички ишлар ходимлари учун 120 ўринли ётоқхонани таъмирлаб бериш ниятимиз бор. 5 гектардан ортиқ ерда ажойиб спорт мажмуи қуриш режалаштириляпти. Зеро, бизда иқтидорли спортчилар кўп. ППХ милиционерлари, милиция сержантлари У. Ҳайдеров, Ш. Раҳматуллаев, А. Қодиров, Ш. Мардиев, О. Мирзаев, Ф. Худойбердиев, милиция сафдорлари Х. Меримов, Э. Арутюновлар қўл жанги, мерганлик билан шуғулланиб, вилоят ва республика мусобақаларида ғолибликни қўлга киритдилар.

Соҳанинг узвий қисми бўлган кинология хизмати ҳақида ҳам тўхталиш

жоиз. Вилоятда республикада биринчилардан бўлиб кинология хизматининг Наслчилик маркази хашар йўли билан қуриб, ишга туширилди. Марказда Германия, Венгрия, Грузия каби мамлакатлардан олиб келинган ўнга яқин асл зотли хизмат итларини кўпайтириш йўлга қўйилиб, қулай ва иссиқ вольерлар тайёрланган.

Шаҳримиз фахри бўлмиш тарихий обидаларни ҳар қандай хавф-хатардан асрашда хизмат итларининг ҳам ўзига хос вазифаси бор. Маълум вақтда махсус ўргатилган итлар ёрдамида обидалар тўлиқ кўздан кечириб чиқилади.

Хулоса шуки, Самарқанддек шаҳри азимни, ундаги тарих дурдоналарини асраш аҳоли ва меҳмонлар хавфсизлигини таъминлаш, осойишталикни сақлашга масъул бўлган ППХ ва ЖТС хизмати ходимлари доимо хушёр.

Ж. ОҚБОВ,
вилоят ИИБ бошлиғининг
биринчи ўринбосари,
милиция подполковниги.



КАСБ СИРЛАРИНИ ЎРГАНИШЯПТИ

Вилоят ИИБ Ёнгин хавфсизлиги бошқармасига қарашли республика ўқув марказида ҳар йили ёнгин хавфсизлиги тизимида фаолият юритаётган мингдан ортиқ ходим 19 йўналиш бўйича касб маҳоратини ошироқда. Ушбу даргоҳда ёнгин хавфсизлиги хизматини такомиллаштириш, малакали ходимларни тайёрлаш борасидаги ўқув дастурлари ва мавзу режаларига ўзгартиришлар киритилиб, бошланғич тайёрлов йўналиши бўйича ўқув муддатлари узайтирилди.

Ўқув дастурига Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш, ходимларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш, ўқ отиш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш каби мавзулар киритилиб, ўқув-услугиёт хонаси ушбу талаблар асосида жиҳозланди.

Ўқув марказида тингловчиларга барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Касб йўналишлари бўйича мусобақалар ўтказиш, Самарқанд шаҳрининг тарихий обидаларини зиёрат этиш ва бошқа маданий тадбирлар ўтказиш доимий эътиборда. Ўз устида муттасил ишлаб, билими ва тажрибасини орттириб бораётган ўқитувчилар топширилган барча вазифаларни аъло даражада бажармоқдалар. Натижада ўқув марказидан касб сирасорларини пухта эгаллаган, ёнгинларнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда мардлик намуналарини кўрсата оладиган билимдон, моҳир, малакали мутахассислар етишиб чиқмоқда.

С. АҲМЕДОВ,
милиция полковниги.

Инсоннинг касб танлашига оддий бир қизиқиш сабаб бўлиши мумкинлигини эшитганмисиз?

Эльвира ўқийдиган мактабдан сал нарида тир жойлашган. Катта танлашдан кейин кўпайиб ўқувчилар бу жойга келиб, мерганларни томоша қилишарди. Ўнлаб тенгдошлари орасида Эльвирагина ҳийла оғир милтиқ ёки тўппончани қўлга олиб, ўқни нишонга текказишга уринарди.

Эльвира олтинчи синфни битирганда мерганлиги билан тилга тушиб қолди. Шу боис геолог-муҳандис отаси ва ҳарбий кийимлар устахонасида ишловчи онаси ўзаро маслаҳатлашиб, уни Тойлоқ шаҳарчасидаги республика олимпия резервлари спорт-интернатига ўқишга бердилар.

— Спорт-интернатда кичик калибри милтиқдан отиш билан шуғулландим, — дейди Эльвира Арутюнова. — Доимий машғулотлар ва тинимсиз меҳнат эвазига аввал Самарқанд шаҳрида, кейин вилоят, республика миқёсида ўтказилган мусобақаларда ғолиб чиқдим. Спорт-интернатни ўқ отиш

Фидойи ҳамкасбларимиз

ЮРТИМИЗ ФАХРИ



бўйича мураббийлик дипломи ва спорт усталигига номзод унвони билан битирдим.

Эльвира Серверовнанинг турмуш ўртоғи ҳам бокс бўйича спорт усталигига номзод. Ўғли ҳозир 5-, қизи Эвелина эса 1-синфда ўқийди. Табиийки, спортчи ота-онанинг фарзандлари ҳам улар изидан боришга интилади. Айниқса, Эвелинанинг бадий гимнастикага иқтидори кучли.

Вилоят ИИБ Патруль пост хизмати

ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бўлини масининг снайпер-милиционерни, милиция сержанти Эльвира Арутюнова 2001 йил октябрь ойида ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида ўқ отиш бўйича ўтказилган мусобақаларда ҳам ғолиб чиқиб, I даражали диплом олди. Шунингдек, жорий йилнинг май ойида Калашников автоматидан ўқ отиш бўйича Республика беллашувида ғолибликни бой бермади: диплом ҳамда Ички ишлар вазирлигининг қимматбаҳо совғаларига сазовор бўлди.

— Ватанимизнинг осойишталигини сақлаш йўлида хизмат қилиш, мерган шоғирлар тайёрлаш, билиминини янада ошириш асосий мақсадимдир, — дейди Эльвира Арутюнова. — Ушбу мақсад йўлида тинмай меҳнат қиламан.

Г. КАРИМОВА.

Суратда: мерганлик бўйича республика чемпиони Эльвира Арутюнова.

САРДОР

Милиция старшинаси Анвар Аҳмеджанов шаҳардаги Темирйўл тумани ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлини маси гуруҳ сардори. 1994 йилдан буён ички ишлар идораларида хизмат қилиб келаятган фидойи ходим. У қўл остидагиларга касб

маҳорати ва билимини оширишда доим кўмак беради. Ўзи ҳам спорт машғулотларига қатнашиб, касбдошларига ўрнак бўляпти.

— Анвар ўзининг жонкуярлиги, меҳрибонлиги билан катта-кичикнинг ҳурматини қозонган, — дейди бўлини

бошлиғи, милиция майори Ж. Рўзиев. — У хизматни аъло даражада удалайди ва қўл остидаги йигитлардан ҳам шуни талаб қилади. Анвар Аҳмеджанов сингари азамат ходимларимиз бор экан, ҳар бир объект ва хонадоннинг кўриқланишидан кўнглимиз тўқ.

А. ҒУЛОМОВ.

Суратда: милиция старшинаси А. Аҳмеджанов.



Саҳифа материалларини Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА тайёрлади.



МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

Аввал хабар берганимиздек, Ўзбек Миллий академик театрида Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан ўтказилган "Миллий қадриятлар ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тарғиб қилишда энг фаол маҳалла оқсоқоли" республика кўрик-танловининг якунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтган эди. Кўрик-танлов якунларига биноан бир гуруҳ профилактика инспекторларига ҳам ғолиб сифатида пул мукофотлари топширилди.

Ўз мухбиримиз.

Суратларда: Ўзбекистон Халқ шоири Абдулла Орипов ғолиб профилактика инспекторлари билан суҳбатлашмоқда; республика ИИБ ХООББ бошлиғи, милиция полковниги А. Усмонов танлов ғолибларидан бирига мукофот топшираётти.

Т. КАРИМОВ олган суратлар.

БОШ ҚОМУСГА БАҒИШЛАНДИ

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Уни республика Ички ишлар вазири, ички хизмат полковниги М. Бабаниязов бошқарди. Йиғилиш иштирокчилари Конституциямизнинг яратилиши, унинг жамиятдаги роли ва аҳамияти ҳақидаги маърузани зўр қизиқиш билан тингладилар. Хизматда ўрнатилган бир гуруҳ ходимларга фахрий унвонлар, фахрий ёрликлар топширилди.

Тантанали йиғилиш иштирокчиларига республика санъат усталари байрам концерти намойиш этишди.

Ж. ОТЕНИЯЗОВ, ички хизмат майори.

Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси ходимлари Бош Қомусимизнинг 10 йиллигини муносиб кутиб олишди.

Бу ерда "Конституциямизни ўрганамиз" шиори остида беллашув бўлиб ўтди. Тадбирни бошқарма бошлиғи, ички хизмат полковниги Мурод Ҳасанов очиб, йиғилганларни самимий муборакбод этди.

"Адолат", "Қонун ҳимоячиси" ва "Қалқон" гуруҳлари ўртасида ўтказилган беллашувлар тадбирнинг энг қизиқарли лаҳзалари бўлди. Унда Зарафшондаги ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги бўлинмасининг "Қонун ҳимоячиси" гуруҳи ғолиб деб топилди. Тадбир сўнггида ғолибларга эсдалик совғалари ва пул мукофотлари топширилди. Бир гуруҳ санъаткорларнинг чиқишлари байрамга ўзгача файз ва шукуҳ бағишлади.

Нигора РАҲИМОВА.

ИНТИЗОМ ВА ҚОНУНЧИЛИК

Тошкент вилояти ички ишлар идоралари шахсий таркиби ўртасида хизмат интизоми, қонунчиликни мустаҳкамлашда ахлоқ-одоб ва интизом судларининг таъсирини ошириш, уларнинг иш фаолиятини янада такомиллаштиришга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Унда бошқарма ШТБХХ бошлиғининг ўринбосари, милиция полковниги М. Собиров сўзга чиқиб, ички ишлар идоралари ходимларининг хизмат интизомига риоя этишлари, қонунбузарликларга йўқ қўймаслик, шунингдек, ахлоқ-одоб ва интизом судларининг фаолиятини кучайтириш зарурлиги ҳақида тўхталиди.

Семинар иштирокчилари ўзаро таъриба алмашишди ва фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди. Шунингдек, тадбирда вилоят ички ишлар идоралари шахсий таркиби ўртасида 2002 йилнинг 11 ойи давомидаги хизмат интизоми ва қонунчиликнинг аҳволи муҳокама қилиниб, йўл қўйилган камчиликлар таҳлил қилинди, уларни бартараф этиш чоралари белгиланди.

Тадбирда вилоят ИИБ бошлиғи, милиция полковниги М. Адиллов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Вилоят ИИБда ўтказилган навбатдаги Маърифат дарси шу йил 28 ноябрь куни Халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси, сессияда Президентимиз Ислам Каримов сўзлаган нутқ ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари олдига қўйилган вазифаларга бағишланди. Тадбирда Тошкент Автомобиль йўллари институти иқтисодиёт маркази директори, тарих фанлари доктори Садриддин Салимов иштирок этиб, кун тартибидеги масалалар бўйича ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашди. Шунингдек, суд-ҳуқуқ тизими ва ички ишлар идораларида ўтказилаётган ислохотларга тўхталиб, йиғилганларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Шерали АНВАРОВ, милиция лейтенанти.

2003 йил – Обод маҳалла йили

ҲАМКОРЛИК НИМА ЕТСИН

"...Ҳар қайси инсон, ҳар қайси хонадон ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, одамларнинг бошини қовуштириш, турар жойларда тартиб-интизомни мустаҳкамлашда, ўзини ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг роли, аҳамияти ва моҳияти кундан-кунга ошиб бораётганини барчамиз кўриб турибмиз".

И. КАРИМОВ.

Президентимиз асосий Қомусимиз – Конституциямизнинг ўн йиллиги тантаналарида сўзлаган нутқида ўзини ўзи бошқариш тизимлари, хусусан, мамлакатимиздаги маҳаллалар фаолияти ҳақида тўхталиб, "...маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари... бугун қилаётган ишларининг самарасини янада кучайтирсан, яъни маҳалла томи маънода ота-оналик вазифасини ўтайдиган даражага етиб борсан, биз кўп нарсага эришсан, аҳолимизнинг розилигини олган бўламиз", – дея таъкидлаб кириб келаётган 2003 йилни "Обод маҳалла йили" деб аташни таклиф қилдилар.

Ватан маҳалладан бошланади. Маҳалла тинчлиги – юрт осойишталиги эканлигини яхши билувчи профилактика инспекторлари ўзлари масъул бўлган ҳудудлар оқсоқолла-

ри билан ҳамкорлик қилиб, аҳоли тўй-ҳашамлари, маъракаларида иштирок этиб, елкадош бўлмоқда. Бундай меҳроқибат бор жойда эса юртбошимиз айтганларидек, маҳалла обод бўлаверади.

Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани Амир Темури маҳалласидаги милиция таянч пункти профилактика катта инспектори, милиция катта лейтенанти Даврон Пирназаров профилактик ишларни намунали ташкил этмоқда. У ҳақда маҳалла оқсоқоли Абдулла ака Ортиқбоев шундай деди:

– Маҳалламизда уч ярим мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Профилактика инспекторлари ҳар бир хонадонда алоҳида иш олиб боришади. Айниқса, кам таъминланган оилалар, жазо муддатини ўтаб қайтганлар, бекорчи ёшлар ва вояга етмаганлар унинг диққат

марказида. Маҳалламиздаги ишламайдиган ёшлар рўйхатга олинган бўлиб, ҳафтада уч марта "Ёшлар маркази"га йиғилдилар. Маҳалла фаоллари ҳамда профилактика инспектори иштирокидаги бу йиғилишларда улар турмушидаги муаммолар ҳал қилинади, ишга ёқишга жойлаштириш масалалари кўрилади. Айнан шундай тадбирлар маҳалла кутубхонасида ҳам ўтказилади. Усмирларнинг "Ёшлар маркази" қошидаги каратэ, кураш, бокс, таэквандо каби спортнинг бир неча туридан ташкил топган тўғарақларига жалб этилишида ҳам профилактика инспекторининг ҳиссаси катта. Тунги гуруҳларга маҳалла посбонлари билан бирга фуқароларимиз ҳам аъзо бўлишган. Тумандаги ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари йил давомида маҳалламизга ташриф буюриб, "Огоҳлик – давр талаби", "Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра" каби мавзуларда учрашув ва суҳбатлар ўтказишяпти.

Умид қиламизки, бу ҳамкорлик янада мустаҳкамланиб, Амир Темури маҳалласи мамлакатимиздаги энг обод масканлар қаторидан ўрин олади.

Мухлиса МУҲИДДИНОВА.

ВАТАН САЖДАГОҲ КАБИ МУҚАДДАСДИР

Ҳадиси шарифлардан бирида "Ватанни севмоқ иймондандир", деб бежиз айтилмаган. Ҳа, Ватанни ардоқлаш, унинг ҳар қаричини кўз қорачигидек асраб-авайлаш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир. Ўғлонларимиз она-юртни химоя қилиш йўлида нималарга қодир эканлигини намоеън этиш учун ҳарбий хизматга шайландилар. Жамоамизга келган ёш аскарларнинг ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими Ватан туйғуси нақадар муқаддас эканлигини яна бир бор исбот қилди. Тантанада офицерлар, шартнома асосида хизмат қилувчи ҳарбийлар, сержантлар, аскарлар, фахрийлар, аскарларнинг ота-оналари, шунингдек, узоқ-яқиндан келган меҳмонлар иштирок этдилар.

Ҳарбий жамоа сардори офицер Р. Алимов ёш аскарларни қасамёд қабул қилиш куни билан табриклади. Навоий

вилояти имом-хатиби Ф. Тошев ёш ва навқирон аскарларимизга Ватанни кўриқлаш йўлида омад, сабр-матонат, куч-ғайрат тилаб дуога қўл очди.

Шундан сўнг полковник С. Ем, милиция подполковниги К. Раҳматов, истеъфодаги полковник Ж. Бафоев, ёш аскарларнинг ота-оналари номидан Ш. Яхшимуродов, Д. Назаровалар аскарларни ҳарбий қасамёд қабул қилганликлари билан самимий муборакбод этиб, уларни Ватанни кўриқлаш йўлида мард, халқига содиқ бўлишга чақирдилар.

Маросим сўнггида ёш аскарлар учун байрам дастурхони ёзилди. "Ширин" маданият саройидан ташриф буюрган ёш хонандалар ажойиб куй-кўшиқлар билан тантананага янада файз киритдилар.

Н. ЙЎЛДОШЕВА.

Қарор ва ижро

БОЖ ТЎЛОВИНИ КИМ ТЎЛАЙДИ?

Кейинги вақтда мамлакатимиздаги осуда ҳаёт, тинчлик-фаровонлик, товарларнинг арзонлигидан фойдаланган айрим кимсалар қўшни давлатларга кўп миқдорда истеъмол молларини олиб ўтиб сотишга уринмоқдалар.

Хўжабод тумани ходимлари ана шундай "ишбилармон"ларнинг фаолиятига чек қўйиш мақсадида ҳушёрликни оширишмоқда. Хўжабод шаҳрида яшовчи Н. Комил "Москвич" русумли машинасида 400 литр, Манак қишлоғилик Қ. Олим "Жигули"га жойланган 350 литр дизель ёнилғисини қўшни Қирғизистон Республикасига олиб кетаётганларида ички ишлар ходимлари қўлга олдилар. Ондай қишлоғида яшовчи М. Жамила 5 қоп урни, унинг ҳамқишлоғи Р. Гулнора 6 қоп шакар-

ни, булоқбошилиқ С. Раҳим 100 килограмм минерал ўғитни айланма йўллар билан қўшни давлатга олиб ўтаётганларида уларнинг "сафар"ига яқун ясалди.

Шу йил июнь ойидан кучга кирган республика Вазирлар Маҳкамасининг "Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида"ги Қарори ички ишлар ходимларига катта масъулият юкляди. Маълумки, туманимиз қўшни Қирғизистон Республикасининг Ўш шаҳрига чегарадош. Кўплаб фуқаролар қўшни давлатдан сотиб олган истеъмол товарларни бож тўловларини тўламасдан юртимизга олиб

киришга уринмоқдалар. Ўтказилган тадбирлар натижасида 25 та ноқонуний ҳолат аниқланиб, қонунбузарлардан олинган 7 миллион 992 минг сўмлик товарлар тегишли ҳуқуқ-тартибот идораларига топширилди.

Юртимиз бойлиги, халқ ризқ-насибасини четга олиб ўтувчи бундай ташмачиларни аниқлашда туман ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлинмасида хизмат қилаётган А. Жалолов, Р. Ҳолиқулов, М. Қўлдошев, вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ходимларидан Б. Обидов ва Б. Муллажоновларнинг хизматлари катта бўлаёттир.

Зокиржон СОБИРОВ, милиция подполковниги.

Ёнфин хавфсизлиги ойлиги

ТАДБИР
ДАВОМ ЭТМОҚДА

Қашқадарё вилояти ИИБ ЁХБ раҳбарияти "Қашқадарё деҳқончилик қурилиш очик ҳиссдорлик жамияти" бошқармасида ёнфин хавфсизлиги ойлигига бағишланган тадбир ўтказди.

Унда бошқарма тасаруфидоги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари, муҳандислар иштирок этишди. Қурилишдаги меъёр ва қоидаларга асосан белгиланган ёнфинга қарши чора-тадбирларни янги бунёд этилаётган ва қайта таъмирланаётган объектларда тўғри татбиқ этилиши ҳамда уларга риоя қилиниши хусусида сўз юритилди. Вилоят ИИБ ЁХБ масъул ходимлари билан қурилиш ташкилотлари раҳбарлари



ҳамда, мутахассислари ўртасида қизгин мулоқот бўлиб ўтди.

Қарши шаҳрида эса республика миллий

банки томонидан қурилатган 300 ўринли банк коллежида кўнгилли ўт ўчирувчилар билан ёнфиннинг олдини олишга қаратилган амалий машқлар ўтказилди. "Худойзот" қурилиш корхонаси жа-



моаси унда фаол иштирок этди.

**Ф. РАҲИМОВ,
О. ПРИМОВ**
олган сурат.

«ЁНФИН ТЕХНИК МАРКАЗИ» ОЧИЛДИ



Наманган вилояти ИИБ ёнфин хавфсизлиги бошқармасида аҳоли ўртасида ёнфин хавфсизлиги қоидаларини тарғиб қилиш мақсадида "Ёнфин техник маркази" ташкил этилди. У замонавий ўт ўчириш воситалари, кўргазмалар воситалар, ёнфиндан сақлаш хизмати тарихини акс эттирувчи суратлар билан жиҳозланган.

Марказнинг очилишида вилоят ИИБ раҳбарлари, вилоят ҳокимлиги ва бир қатор ташкилот ҳамда муассасаларнинг масъул ходимлари иштирок этилди. Тадбирда "Ёнфин хавфсизлиги болалар тасавурида" деб номланган расмлар танлови ҳам бўлиб ўтди.

Б. ДЕДАБОВЕВ,
ички хизмат подполковниги.

ОЛОВ БИЛАН ЎЙНАШМАНГ!

Ёнфин хавфсизлиги ойлиги Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлими ўт ўчирувчилари учун эмас бошқа хизматлар учун ҳам масъулиятли ҳисобланади. Ҳар бир хизмат ўзига яраша ҳисса қўшади.

Корхона, ташкилот, муассасаларда ўт ўчириш мосламаларининг бўлиши, ёнфин чиққанда ишчи ва хизматчиларни тезда олиб кетиш, ўт ўчирувчилар етиб келгунча дастлабки тадбирлар ўтказиш бўйича жойларда тушунтириш ишлари олиб бориш зарур. Тадбир давомида жойларда бир қатор жиддий камчиликлар кўзга ташланмоқда. Масъулиятлиликка йўл қўйган корхона, ташкилот ва муассасалар қатъий назоратга олинди, раҳбарларига нисбатан маъмурий чоралар кўриляпти. Масалан, Чирчиқ "Электр-кимёсаноат" ишлаб чиқариш бирлашмаси очик турдаги акциядорлик жамияти, шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли муассасаларда ўтказилган рейдларда қатор камчиликлар аниқланди. Корхона ва мактабларда ўт ўчириш анжомлари етишмайди, электр тармоқлари эскирган. Айрим участкалар эса ёнфин назорати ходимлари томонидан ёнфин чиқиши хавфи бор деб топилган.

Бахтсиз ҳодисалар келиб чиқиши сабабларидан бири ёш болаларнинг қаровсиз қолиши ва олов ўйнашидир. Бундай ҳолатлар кўпроқ учраётганлиги сабабли ҳам ёнфин хавфсизлиги хизмати инспекторлари мактаб, лицей, гимназия ва маҳалларда мунтазам профилактик ишлар ўтказишяпти. Тад-

бирлар асосан суҳбатлар уюштириш, кўргазмалар воситалардан фойдаланиш, синфларга ёнфин хавфсизлиги қоидалари бўйича эслатма, китобчалар тақдим этиш усулида олиб бориляпти.



қулланилаётган амалий ишлар ўз натижасини берапти. Мактабларда кўнгилли ўт ўчирувчилар гуруҳлари ташкил этилиб, ёнфинга қарши фаол кураш олиб борилмоқда. Ходимларимизни деярли ҳар куни аҳоли ўртасида учратиш мумкин.

Фуқаролар бизнинг ишимизга эътиборли бўлиб, муҳими масъулият билан ёндошишаётгани қувонтиради. Улар ўт балоси олдини олиш учун нималарга эътибор бериш кераклиги билан қизиқияпти.

Ички ишлар бўлими бошқа хизматлари вакиллари-

нинг тадбирда иштироки ҳақида ҳам тўхталмоқчиман. Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати инспекторлари ҳар бир автомашинада ўт ўчириш воситаси бўлишини назорат қилишяпти. Машиналарнинг электр тармоқлари соз бўлсагина йўлга чиқишга рухсат этилади.

Профилактика инспектори асосий эътиборни ўсмирлар билан суҳбатлашишга қаратади. Чунки айнан шу ёшда ўғил болалар ота-онаси-

дан яширинча сигарет чекишга ўрганишади. Натيجада чала чекилган сигарет қолдигидан ёнфин чиқиши мумкин.

Ҳар куни шаҳар ИИБда кундалик ишлар якуни кўриб чиқилади. Бунда хизматлар фаолиятига баҳо берилиб, режалар белгиланади.

Ана шундай саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ ойлик давомида шахримизда ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ёнфинлар сони камайганини айтиб ўтиш жоиз.

У. ТОШМАТОВ,
Чирчиқ шаҳар ИИБ ЁХБ бошлиғи, ички хизмат подполковниги.

ХАВФСИЗЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШ — БУРЧИМИЗ

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Жиззах вилояти ИИБ ЙПХ ходимлари томонидан 220 мингдан ортиқ қоидабузарликлар аниқланди. Шундан эллик фоизини автоҳалокат келтириб чиқарувчи ҳолатлар, транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш, пиёдалар томонидан содир этилган қоидабузарликлар ташкил қилади. Айтиш жоизки, уларнинг олдини олиш борасида ижобий кўрсаткичларга эришилмоқда. Бироқ, амалга оширилаётган профилактик тадбирларга қарамасдан йўл-транспорт ҳодисалари камаймаяпти.

Ҳозиргача 220дан зиёд ҳодиса рўй берди. Бунинг асосий сабабларидан бири ҳайдовчи ва пиёдаларнинг онгли равишда йўл ҳаракати қоидаларини кўпол равишда бузишларидир. Энг ачинарлиси, йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида 187 киши жароҳат олиб, 78 киши ҳаётдан бевақт кўз юмди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, содир этилган жиноятларни фожиятида бошқа хизматлар билан ҳамкорликда иш олиб бораётганимиз ижобий натижа бермоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида қайд этилган 4 та транспорт воситаларини олиб қочиб ҳолатла-

рининг барчаси тезкорлик билан фожиятида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоятимизнинг қўшни Қозоғистон Республикаси билан чегарадош бўлган ҳудудларида ходимларимиз хушёрлик билан хизмат қилишмоқда. Вилоят ИИБ тезкор хизмат ходимлари билан ҳамкорликда тузилган гуруҳлар фаолияти яхши самара берапти. Амалга оширилган тадбирлар натижасида ҳозирга қадар мамлакатимизга 100 дан

ортиқ ноқонуний равишда товар маҳсулотларини олиб киришга уриниш ҳолатлари аниқланиб, айбдорлардан 55 млн. сўмликдан ортиқ турли хил товарлар олиб кўйилди.

Жумладан, 1594 литр спирт, 6156 дона Қозоғистон ароғи, 6976 қути сигарет, 2421 дона совун, 93 литр ўсимлик ёғи, 24 млн. 277 минг сўмлик болалар кийим-кечаги, 14 қути хамир-туруш, 96 жуфт пойабзал, 4220 дона пайпоқ, 218900 сўмлик чинни идишлар, 3 млн. сўмлик ҳар хил кийим-кечаклар шулар жумласидандир. "Манас" ЙПХ масканида хизмат вазифини ўтаётган ходимлар томонидан "Нексия" ав-

томашинаси тўхтатиб текширилганда Ургут тумани Гулистон маҳалласида яшовчи С. Камолитдин ҳеч қандай ҳужжатсиз 400 минг сўмлик, яна бир "Нексия"да эса Ургут шаҳрилик С. Фозилжон 600 минг сўмлик эркаклар спорт оёқ кийимини республика ҳудудида ноқонуний равишда олиб кираётгани аниқланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда вилоятда мавжуд ЙПХ масканларида кинологлар хизматидан самарали фойдаланилмоқда. "Манас" ЙПХ масканида милиция катта лейтенанти Шодидёр Маллаев, ЙПХ инспектор-кинологи, милиция сержанти Нурмат Туримовлар Каттақўрғон тумани Қиёт қишлоғида яшовчи У. Икром бошқарувидаги "ВАЗ-2109" русумли автомашина тўхтатиб, "Дик" лақабли хизмат ити ёрдамида текширишганда автомашина йўловчиси, ҳайдовчининг ҳамқишлоғи Ф. Тўлқиннинг ички кийимига жойлаштирилган 75 гр. марихуана борлиги аниқланди.

Б. ХОНХҲАЕВ,
милиция подполковниги.

ЭНГ ФАОЛ
МИЛИЦИЯ ХОДИМИ

Наманган вилояти ИИБ томонидан мавжуд милиция таянч пунктлари инфратузилмасини такомиллаштириш, ушбу масканларда кенг жамоатчилик иштирокида бошланғич профилактик тадбирлар ўтказиш, илғор иш тажрибаларини оммалаштириш ҳамда танлов йўли билан "Энг яхши милиция таянч пункти"ни аниқлаш учун жойларда семинар-кенгашлар ўтказилди.

Аввал Наманган шаҳри, кейин Наманган, Давлатобод, Мингбулоқ, Косонсой, Норин туманларида, навбатдагиси эса Поп тумани маданият саройида бўлиб ўтди. Унда милиция таянч пунктлари инфратузилмасини мувофиқлаштирувчи ҳудудий комиссия аъзолари, туман "Маҳалла" жамғармаси, хотин-қизлар кўмиталари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, халқ таълими ходимлари, маҳалла посбонлари, милиция таянч пунктларининг профилактика ва вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш гуруҳи инспекторлари, маҳалла оқсоқоллари ҳамда фаоллар қатнашишди.

Вилоят ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги М. Оппоқов туманда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида батафсил гапирди. Шунингдек, милиция таянч пунктларида яратилаётган шарт-шароитлар, муаммолар ва камчиликларга тўхталди.

Тадбир сўнггида вилоят ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, милиция майори С. Сотволдиев кун тартибидоги масала юзасидан фикр билдириб, танловда голиб чиққан милиция лейтенантлари Б. Турғунов ҳамда Ш. Абдурахмоновларга пул мукофоти топширди. Милиция таянч пунктлари фаолиятига яқиндан кўмак берган маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари, маҳалла посбонлари, ширкат ҳўжалиги раҳбарлари ҳам мукофотланди.

У. МАМАДАЛИЕВ.

УЧИНЧИ

«Поетга» gazetasining ilovasi

TV O'LAM

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,
HAYRATOMUZ VOQEALAR,
SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

Бу ҳақда илк бор 1946 йилда гап-ра бошлашди. Ҳаммаси ёзувчи, журналист ва олим Ричард Шейвернинг "Ғаройиб ҳодисалар" журналида босилган мақоласидан бошланди. Муаллиф муштарийларга ўзининг ер остида яшовчи ўзга сайёраликлар билан мулоқотга киришгани ҳақида ҳикоя қилган эди.

Шейвернинг гапига қараганда, у бир неча ҳафта афсона ва ривоятларда тасвирланган шайтонвачча сифат мутантлар билан ер остида яшаган. Бундай жонзотлар ҳақидаги ривоятлар дунёнинг ҳамма халқларида бор. Ривоятларга кўра ҳали ер юзига инсон оёғи тегмасдан миллион йиллар илгари бу махлуқлар сайёрамизни ўзларига макон қилишган. Улар ўта донишманд, қобилиятли ва маданиятли бўлишган, ўзларидан кейин пайдо бўлган инсонлар билан муносабатга киришишни исташмаган.

Тўғри, Шейвернинг мақоласини ёзувчининг хаёли маҳсулига йўйиш мумкин эди. Аммо шундан кейин журнал таҳририятига муштарийлардан акс-садолар битилган мактублар ёғилиб кетди. Уларда хат эгаларининг ҳам ер ости салтанатида бўлгани, у маконда турли техника мўъжизаларини кўрганлари, сирли мавжудотлар билан мулоқотда бўлгани ҳикоя қилинган эди. Баъзилар ҳатто мазкур махлуқлар ерликларнинг онгини назорат қилади деган фикрни билдиришганди.

"Ғаройиб ҳодисалар" журналидаги чиқишлар олимларга кучли турт-

ки бўлди. Улар ер остига дахлдор ғайриоддий ҳодисаларни тадқиқ қилишга жиддий киришишди. Аслини ол-

ганда, Ер ости бўшлиқлиги ҳақида англиялик астроном Эдмунд Галлей XVII асрдаёқ ёзган эди. Жюль Верн "Ер марказига саёҳат" романида, Эдгар По "Артур Гордон Пим қиссаси" асарида ҳам шу фикрни илгари суришган. XVIII-XIX асрларда Кўшма Штатларда Ер пўстидаги туйнуқлар орқали унинг ичидаги бўшлиқларга махсус илмий экспедиция уюштиришга уринишган.

Учинчи рейх олимлари ҳам ер ости олами билан қизиқишган. Массалан, 1942 йили Германиянинг етакчи олимларидан иборат экспедиция Геринг ва Гимлер ҳомийлигида махфий равишда ер ости маданиятини излаб топиш учун ҳаракат қилишган. Улар ўта тараққий топ-

ганларнинг "макони" Болтик денгизидоги Руген оролида жойлашган деб тахмин қилишган. Экспедициядан кўзланган иккинчи мақсад янгича тузилишдаги радар қурилмаларини ер остига жойлаштириш бўлган. Бу уриниш нима билан тугаганлиги номаълум, аммо XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ер ости цивилизацияси мавжудлиги ҳақидаги фараз тасдиқлана борди.

нинг шовқинини эшитиб қолишди. Тош қатламни кўчиришганида улар ҳам пастга қараб кетган зинага дуч келишди. Ишлаётган механизмлар шовқини янада кучайди. Кўрқиб кетган ишчилар қочиб қолишди. Орадан пича вақт ўтиб ҳалиги жойга қайтиб келган шахтёрлар на зинани топишди, на механизмлар шовқинини эшитишди.

1970 йилда АҚШга қарашли сунъий

Макеннинг кузатишлари ҳам диққатга молик. У Айдахо штатидаги маҳаллий аҳоли ўртасида хосиятсиз деб ҳисобланадиган горни ўрганди. Манкен ва унинг ҳамроҳлари тош ётқизилган кенг йўлак бўйлаб эҳтиёткорлик билан бир неча юз метр юришгач оҳ-воҳ, қичқариқларни аниқ-тиниқ эшитишди. Кўп ўтмай олдиларидан одам скелетига ўхшаган суяклар чиқди. Тубжой аҳолиси жаҳаннам оғзи

бари тиниб-тинчимас тадқиқотчиларни яна бир фаразни илгари суришга ундади. Эҳтимол, ер ости цивилизацияси ўзга сайёралардан келиб қолгандир, деб ўйлаб қолишди улар.

Ҳақиқатан ҳам шундайдир? Эҳтимол, улар одамзоднинг ўзаро қирпичоқ бўлаверишидан безиб замин остини ўзларига макон қилишгандир. Ўша ерда туриб ҳамон бизни кузатишар? Балки, гоҳ-гоҳида бошимиз узра пайдо бўладиган учар ликопчалар ҳам ер тагидан учиб чиқар?

Унда ҳақли бир савол туғилади: агар Ермиз ҳақиқатан говак бўлса, нега унга олиб борадиган йўл шу пайтгача топилмаган? АҚШлик олимлар бу саволга жавоб топгандай бўлишди. Уларнинг тахминича, ер ости шаҳарлари тўртинчи ўлчамда, аниқроғи, тўрт ўлчамли оламда мавжуд. Фақат Ернинг электромагнит майдони вақти-вақти билан ўзгариб турганда, унинг юзасидан ер ости шаҳарларига кирадиган йўлақлар очилади. Бошқа пайт эса бунинг иложи йўқ.

Эҳтимол, Англиядаги Стоунхенж иншооти, бошқа ерлардаги унга ўхшаган антиқа қурilmалар ана шу кириш жойларини белгилаш учун барпо этилгандир? Агар ер остида ҳақиқатан ҳам онгли мавжудотлар яшайди деган фараз тасдиқланса, шу пайтгача сирли бўлиб келаётган кўплаб ҳодисалар ўз изоҳини топарди.

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

ЎЗГА САЙЁРАЛИКЛАРНИНГ ЕР ОСТИ ДУНЁСИ



деб атаган горни текширишни давом эттириш имкони бўлмади. Сабаби, ичкаридан келаётган олтингугурт ҳиди шунчалик кучайиб кетдики, унга ортиқ тоқат қилишнинг иложи йўқ эди.

Олимларнинг фикрига қулоқ тутадиган бўлсак, геологлар ер ости бутунлай говаклигини рад этишади. Аммо улкан-улкан

1963 йили икки америкалик шахтёр – Давид Фаллин ва Генри Торн тоннелдан ўтаётиб улкан эшикни кўриб қолишди. Уни очиб қарашганида, пастга қараб кетган мрамар зиналарга кўзлари тушди.

Англиядаги бошқа шахтёрлар эса тоннель қазишаётиб пастда ишлаётган механизмлар-

йўлдошлардан ғалати фотосуратлар олинди. Унда Шимолий қутб жойлашган кенгликда улкан туйнуқка ўхшаш қора доғ акс этган эди. Балки буни фотоаппаратнинг носозлигидан деб ўйларсиз? Йўқ. Сабаби, орадан бир неча йил ўтиб бу ҳол яна такрорланди.

Антрополог Жеймс

бўшлиқлар учраб туришини инкор қилишмайди. Фақат бундай кенгликларда одамзоднинг яшай олиши даргумон. Зеро, ер остида нафақат ҳарорат анча юқори, балки кислород ҳам жуда кам. Аммо биз билган тирик организмлар ҳаёти учун хавфли саналган турли-туман газлар сероб. Буларнинг

ЖИНОЯТ ОЛАМИГА БИР НАЗАР...

Приморье ўлкаси ИИБ молия-иқтисод бошқармаси бошлиғи, ички хизмат полковниги Виктор Кочергин йўл-транспорт ҳодисаси туфайли ҳалок бўлди. Кочергин Владивосток шаҳри чеккасида ўзининг "Жип"ини атиги бир неча дақиқа қаровсиз қолдирган эди. Қайтиб келса, нотаниш йигитлар автомобилнинг гилдиракларини ечиб олишга уринишаётган экан. "Жип"нинг эгасига кўзлари тушган жино-

ятчилар ўз машиналарига ўтириб қочишга тушишди. Полковник автомобилида уларни таъқиб қила бошлади. Владивосток – Хабаровск шоссеси яхмалак бўлгани учун унинг машинаси сирпаниб кетиб, йўл четидаги дарахтга бориб урилди...

Москванинг жануби-ғарбида сешанбага ўтар кечаси тўрт киши ўлдирилди. Тунги соат икки яримларда шаҳар ИИББ нав-

батчилик хизматига фуқаролар қўнғироқ қилиб, хонадонлардан бирида ўқ овози эшитилгани ҳақида хабар беришди. Воқеа жойига етиб келган милиция наряди тўрт эркакнинг мурдасини топди. 46 яшар В. Казарин қотилликда гумонланиб қўлга олинди. У тунни қиморхонада ўтказган. Шу ерда молдовалик бўлажак қурбонлари билан танишган. В. Казарин уларга катта миқдорда пул бой берган, сўнг меҳ-

монларни уйига таклиф қилган. Аммо зиёфат кўнгилдагидек ўтмайди, меҳмонлар қарзларини қистайверишади. Тоқати тоқ бўлган мезбон қўшни хонадан ТТ тўппончасини олиб чиқиб уларни отиб ташлаган.

Приморье ўлкаси қишлоқлардан биридаги босқинчилар кирган хонадонда уй эгалари йўқ эди. Жиноятчилар аввал яширилган пулларни ўзлари топ-

моқчи бўлишди. Аммо бунинг урдасидан чиқишолмагач, уйда ёлғиз қолдирилган 14 ёшли бола ва 5 яшар қизалоқни қийнашга тушишди. Натижада юзи, қўллари пичоқ билан тилинган қизалоқ ва кўкрагидан жароҳатланган бола касалхонага ётқизилди. Босқинчилардан бири қўлга олинган, иккинчиси қидириляпти.

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

Учадиган автомобиль нима эканлиги ҳақида аниқ бир тўхтамга келиш қийин. Бу одамнинг тасаввурига боғлиқ. Чунки кимгадир оддий ҳисобланган нарса, бошқа киши учун гаройиботдек туюлади.

Учар автомобиль яратишда иккита асосий йўналиш мавжуд. Биринчиси, ҳавода, иккинчиси эса ерда ҳаракатланишга қодир бўлган транспорт яратиш лозим. Ҳар бир йўналиш ўз ютуқ ва камчиликларига эга. Учар автомобиль техник жиҳатдан оддий автомобиль ёки самолётдан анча ортда қолиши табиий.

Учар автомобиль унинг эгаси уйда сақлаши мумкинлиги, у бевосита автомобиль йўлига қўниб, ерда ҳаракатни давом эттиришга қодирлиги билан афзалдир.

Бироқ камчиликлари ютуқларига нисбатан анча кўп. Булар конструкциянинг мураккаблиги, техник таснифлар даражасининг кичиклиги, нархининг қимматлиги, таъмирлаш воситалари ва учувчи малакага эга бўлишида кўзга

УЧАР АВТОМОБИЛЛАР

ташланади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда яратилган учар автомобилларнинг маълум қисмигина ерда ҳаракатлана олади.

Муаммонинг энг оддий ечимларидан бири — оддий автомобилни қанотлар билан жиҳозлашдир.

Иккинчиси эса йўларда бошқа транспорт воситаларига халал бермасдан ҳаракатланиши учун оддий самолёт кўринишига бир оз келтиришдан иборат.

Кўпгина учар аппаратларни мавжуд авиация меъёрлари бўйича

таснифлаш қийин. Улардан бир нечасигина аэродинамика қонунлари ҳисобга олинган ҳолда яратилган бўлиб, парвоз қила оларди. Ҳавога кўтарила олган учар аппаратларгина муваффақиятли яратилган, деса бўлади, қолганларининг осмонга кўтарилиши эса ихтирочиларнинг орзусига айланиб қолди.

Америкалик ихтирочи Пауль Моллер томонидан яратилган аппарат “учар ликопча”га жуда ўхшаб кетади.

Алюмин ва композит материаллардан ясалган машина доира шаклига эга. У келажакда оддий мотоцикл ва тезюрар спорт автомобиллари ўрнини эгаллайди, деб ҳисоблашмоқда. Аппарат қурилмаси 200 от кучи ёки 147 кВт кучга эга бўлган олти поршенли двигателдан иборат. Улар вертикал каналларда жойлашган саккизта парраклар ҳаракатини таъминлайди. Бошқарув парраклар тортиш вектори ўлчамлари ва йўналишини ўзгартириш ҳисобига амалга оширилади.

1980 йилнинг охирида Пауль Моллер томонидан уч ўринли учуш


ва қўнишни амалга ошира оладиган “Мерлин - 400” аппарати ишлаб чиқилиб, ясалган эди. У айлана каналларга жойлашган парраклар айланишини таъминловчи олти двигател билан жиҳозланган эди. Парраклар тортиш кучи векторини ўзгартириш ҳисобига учуш ва қўниш амалга оширилади. “Мерлин - 400” аппаратида двигателлардан иккитаси ишдан чиққан тақдирда ҳам соатида 200 км тезликда ҳаракатни давом эттириш имконияти мавжуд.

Аппарат берилган буйруқлар аниқ бажарилишини таъминловчи тўрт каналли рақамли бошқарув тизими ёрдамида бошқарилади. Бирор хавфли вазият юзга келиб, учушни давом эттириш имкони бўлмай қолса автоматик тарзда парашют очилади. Ёнилги захираси 1200 км масофага мўлжалланган. Учаш тезлиги 480 км/соатни ташкил этганда 100 км учун 16 литр ёнилги сарфланади.

Келажакда ушбу аппаратдан кўплаб ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.

Кимлардир “Мерлин” талайгина транспорт муаммоларини ечишга кўмаклашади, одамлар аънавий автомобил-

лардан воз кечиш учуш имкониятини қўлга киритадилар, деб ҳисоблашмоқда. Бошқалар эса аввалги “автомобиль-самолёт”лар лойиҳалари сингари



“Моллернинг учар автомобили” ҳам катта муваффақиятга эриша олмайди, деган фикрни айтишяпти.

“Мен “М-400” парвоз қилишига ишонаман! Унинг нархи яхши автомобилниқидан қиммат бўлмаслиги керак. Келажакда йилига 40000 тагача ана шундай аппарат ишлаб чиқариш тахмин қилинмоқда”, — дейди Моллер. Охириги икки йил ичида сертификат олиш мақсадида учта “М 400” синовдан ўтказилди.

Аппарат ихтирочилари бир нечасини ҳарбийлар, полициячилар ва чегарачиларга сотишни режалаштириш-

япти. Шу орқали янги “учар автомобиллар” патруль хизматини ўташга қай даражада қодир эканлигини текшириб кўришмоқчи.

Пауль Моллер эса минглаб одамлар ўз аппаратларида осмонга кўтариладиган пайтлар келишини орзу қилиб яшамоқда.

“Само автомобиллари” оддий автомобиллар билан бир қаторда турадимиз ёки улар учун махсус гаражлар қуриладими, буни келажак кўрсатади. Ҳозирча эса улар кичик вертолётлар билан рақобатлаша олади. “Боинг” каби йирик фирмалар Моллернинг лойиҳасига қизиқиб қолишди. Ушбу фирмаларнинг мутахассислари “учар автомобиллар”дан авиатакси ёки фирмалар эҳтиёжи учун транспорт воситаси сифатида фойдаланса бўлади, — деб ҳисобламоқдалар.

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.



ЎЛИМ «ДОРИНОМАСИ»

Майкл Свангога қарши илк бор унинг она шахри Куинси Иллинойс штатида жиноий иш қўзғатилганди. У 1984 йилнинг ёзида Куинси-га Огайодаги ўқишини тамомлаб қайтди. Даволовчи шифокор бўлиш ўрнига эски ишига қайтишни маъқул кўрди. Авваллари Майкл маҳаллий “Тез ёрдам” хизматида тиббий ходим бўлиб ишларди.

Сванго ишга келиши билан ҳамкасблари бирин-кетин касалликка чалинадиган бўлиб қолишди. Уильям Арп ҳам Куинси “тез ёрдам” гуруҳида ишларди. У шундай хотирлайди: “Ўша кезлари биз биронта шеригимиздан шубҳаланишни хаёлимизга ҳам келтирмасдик. Бир куни Сванго ишга қутида пишириқ олиб келди ва ҳаммани меҳмон қилди. Бир неча дақиқа ўтиб, кулча еган йигитларнинг мазаси қочиб қолди. Ҳамманинг бирдангина қорни оғриб, боши айланарди.

Свангонинг ўзи эса битта ҳам кулча емади. Кимдир ундан: “Нима бало, Майк, бизни заҳарлаб қўйдингми?” деб сўради. Мазкур ҳодисадан сўнг Сванго қолган пишириқларни дарҳол ўзи билан олиб кетди. Йигитлар ўзига келгач, бу нохуш воқеа ҳамманинг эсидан чиқди. Аммо бир неча ҳафта

ўтгач, бундан-да ҳайратланарли ҳодиса рўй берди. Кечки пайт тиббий гуруҳда ишлайдиган йигитлардан бири совутгичга совуқ чой кўяди. Бир неча дақиқа ўтгач шошилинч чақирув билан гуруҳ йўлга чиқади. Улар қайтиб келишганида тиббий ходимлардан бири чой ичмоқчи бўлади. Аммо энди у ғалати таъмга эга эди. Чойдан намуна олиб чиқиб кетганидан кейин кимдир ошхонага кириб, қолган чойни тўкиб ташлайди”.

Энди ҳамма Свангодан шубҳалана бошлайди. Унинг асл мақсади нима эди? Билл Арпнинг фикрича, Сванго ҳамкасбларини заҳарлашдан моддий манфаатдор бўлган. Негаки, у шерикларини заҳарлаб, иш кўлами, демак, маошни ҳам кўпайтирган. Ўша пайтлари у унча-мунча шифокорлар куни билан елиб-югуриб тополмайдиган

даражада кўп пул ишларди.

Нихоят, Свангонинг ҳамкасблари уни фош этишга қарор қилишади. Бир куни улар муғомбирлик билан Свангони хонадан чиқариб юбориб, унинг сумкасини текшириб кўришади. Сумканинг ичидан чумолиларга қарши ишлатиладиган заҳар чиқади. Унинг асосий таркибий қисми маргимуш ҳисобланади.

Куинси шахри прокурорининг фикрича, Сванго ўз қурбонлари устида тажриба ўтказган. Майкл доришунослик ва кимёни яхши билади-кан шифокор эди. У қурбонлари билан шунчаки ўйин қилган. Хўш, нега? Буни фақат Яратган билади. Бу пайтга келиб чой текширилади. Унда маргимуш борлиги маълум бўлади. Ушбу далилий ашёлар билан тиббий гуруҳ Свангони полицияга топширади.

Полиция ходимлари унинг уйини тинтув қилиб, ҳайратдан ёқа ушлашади. Свангонинг хонадони ҳақиқий лабораторияга айлантирилганди. Ҳар бир хона кимёвий моддалар, пестицид, дорилар, шу жумладан, чумоли заҳри сақланадиган идиш ва қутилар билан тўлиб-тошганди. Бу ҳали ҳаммаси эмасди.

Уйдан қўлда ёзилган рецептлар чиқади. Улар ўлим рецептлари бўлиб, ретин, ботулизм ва бошқа хавфли заҳарларни тайёрлаш йўл-йўриқлари битилган эди.

Сванго ҳибсга олиниб, ҳамкасбларини заҳарлашда айбланди. Лекин у ҳаммасини инкор этарди. Рецепт қозғочларидаги заҳарларни эса шунчаки хобби деб тушунтирди, бу шунчаки ўткинчи ҳавас, кимёга қизиқиб холос, дея жавоб берди. У жуда ҳозиржавоб эди. Ҳамма саволларга тўлиқ ва мукамал жавоблар тайёрлаб қўйганди. Бу каби руҳий хаста одамлар ўта ақлли ва истеъдодли бўлишади. Улар ёлғончиликни ҳам қойиллатишади. Бундайлар бошқача яшай олмайдилар. Лекин бу сафар Свангонинг уйдирмалари иш бермади.

У мунтазам равишда шаҳарда босиладиган етакчи газеталарни сотиб оларди. Кейин уларни варақлаб чиқиб, қотилликлар, заҳарланишлар, даҳшатли йўл-транспорт ҳодисалари ҳақидаги мақолаларни қайд қилиб қўярди. Нимаики ғайриоддий нарса бўлса, дарҳол қизиқиб қоларди.

Икки ҳафталик суд жараёнидан сўнг Сванго ҳамкасб-

ларини заҳарлашда айбдор деб топилди. У 5 йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм этилди. Куинси аҳли энгил нафас олди. Аста-секин доктор Майкл Свангонинг ўтмиши билан боғлиқ бошқа тафсилотлар ҳам юзага чиқа бошлади. Озодликка чиққач, кейинги 10 йил мобайнида Сванго ўз ўтмишини сир тутган ҳолда турли жойларда шифокор бўлиб ишлади. Аммо беморларидан бири “Нью-Йорк Ветерана” шифохонасида сирли равишда вафот этгач, у чет элга қочиб кетади. Майкл Зимбабвега бориб шифохонага ишга киради. Аммо у ерда ҳам 5 нафар бемор тўсатдан оламдан ўтгач, Сванго Қўшма Штатларга қайтади ва бу ерда дарҳол қўлга олинади.

Сванго “Нью-Йорк Ветерана” шифохонасидаги қилмишлари учун яна уч ярим йиллик қамоқ жазосига ҳукм этилди. Жамият ундан бир қанча муддатга қутулди. Аммо бир саволга жавоб бериш мушкуллигича қолмоқда: нима сабабдан истеъдодли ёш йигит ҳаммани заҳарловчи қотилга айланди? Аслида у шифокор бўлишни ният қилган аммо омадсизликка учрагач, умидини узиб, тушкунликка берилганмикан? У одамларга шифо беришдан безигач бунинг тамомила акси, яъни уларни ўлдирган бошлаган... бўлса ажаб эмас.

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

ДУШАНБА

16

ЎзТВ - I

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.45 "Тахлилнома".
8.45 "Ўзбектеlevision" на мойиши: "Хисор кўриқхонаси".
9.05 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
9.45 "Тўртинчи хокимият".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 "Виждон". Телесериал. 14-кисм.
10.55 "Куйла, ёшлигим".
11.20 "Алиса кўзгу орти ўлкасида". Мультфильм.
12.05 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати.
13.05 "Санъатга бахшида умр". Халима Носирова.
13.30 "Ошин". Телесериал.
14.10 "Обод уйда пок одамлар яшайди".
14.30 ТВ клип.
14.40 Кундузги сеанс: "Жигарбандим ёди". Бадийий фильм.
16.10, 17.25 ТВ анонс.
16.15 "Нури манзиллар".
16.35 "Биламиз-у, аммо".
16.55 Эстрада тароналари.
17.30 "Ака-ука Гримм эртаклари". Мультсериал.
17.55 ТВ маркет.
18.10 "Қалб гавҳари".
18.30 "Мулк".
18.45 "Бахтли воқеа". Телелотерея.
19.15 "Бир жуфт кўшиқ".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 "Ахборот".
21.05 "2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили". "Париси бор уй".
21.25 "Кўшигимиз сизга армуғон". И. Фармонов.
21.50 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати.
22.50 "Тарих кўзгуси". 4-кисм.
23.10 "Ахборот-дайжест".
23.30-23.35 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ - II

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр тонги.
10.00 "Янги авлод" студияси: "Уй вазифаси".
10.20 "Кўк рангли сичқонча ва мушук". Мультсериал. 20-кисм.
10.30 Саломатлик сирлари.
10.50 Муслиқий лаҳзалар.
11.00 "Давр". Хафта ичида.
11.30 ТВ-анонс.
11.35 Кинотақдим.
11.55 Жаҳон жуғрофияси.
12.45 "Давр"-news.
13.00 Болалар шеърляти.
13.10 "Жюли Леско". Сериал. 1-кисм.
14.00 Ҳарбий-ватанпарварлик кўшиқлари.
14.10 "Лафа". Телевизион бадийий фильм. 6-кисм.
14.45 Олов билан юзма-юз.
15.00 "Кусто командасининг сув ости саргузаштлари". Телесериал.
15.50 Спорт ҳафтаномаси.
16.05 Фақат эркаклар учун.
11.30 Мультсериал "Мистер Бамп".
12.00 Фильм "В последний момент".
14.30, 20.00 Сериал "Остров фантазий".
15.30 Фильм "Бич божий".
17.30 Фильм "Арена".
19.30 Сериал "Истории о привидениях".
21.00 Фильм "Свадебный подарок".
22.30 Фильм "Между ангелом и бесом".
1.30 Фильм "Возвращение демона".

СТС

6.00 Музыка на СТС.
6.15 "Маленькие Эйнштейны". Сериал.

7.00 Москва. Экспо-2010.
9.35 "Отчего, почему?" Программа для детей.
10.30 АБВГДейка.
11.00, 15.15, 17.50 Мультфильмы.
11.45 "Полевая почта".
12.15 Наш сад.
12.35 Лакомый кусочек.
13.00 Московская неделя.
13.30 Звезда автострады.
13.45 "Светлая личность". Фильм.
15.25 С. Безруков в программе "Приглашает Борис Ноткин".
16.00, 1.00 "События. Время московское".
16.15 "Алфавит". Телеигра.
16.55 "21-й кабинет".
17.25 "Удивительный мир животных". Сериал.
18.15 Детектив-шоу.
19.00 "Ностальгия". Воспоминания о будущем.
20.00 "Комиссар Наварро". Сериал.
22.00 "Момент истины".
23.05 Я. Махульский в криминальной комедии "Ва-банк-2".
1.10 Спортивный экспресс.
1.40 Х. Кура и Л. Казарновская в Кремлевском Дворце.

ТВЦ

8.00 Музыкальный канал.
9.30 "Дикая планета".
"Все о собаках".
12.50 "Ведьмак". Сериал (заклуч. серия).
13.55, 23.00 "Тайга". Сериал (заклуч. серия).
15.30, 2.05 Программа "24".
15.50 Лотерея АвтоВАЗа.
16.00 Боевик "Одиночное плавание".
18.00 Мир спорта глазами "Жиллетт".
18.15 "Очевидец".
18.45 "Вовочка". Сериал.
20.15 С. Сталлоне в боевике "Рэмбо-3".
0.00 Комедия "Герой ее романа".
2.25 "Секретные материалы". Сериал.
3.25 "Последний холостяк". Ток-шоу.

ТНТ

7.00, 16.30 Сериал "На краю вселенной-3".
7.50 Фильм "Глаз хищника".
9.30 "Черная" комедия "Непридуманные истории".
10.00 Док. сериал "Путешествия с Национальным географическим обще-

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Қашқадарё вилояти ИИБ Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиқ маркази раиси, истеъфодаги милиция полковниги **Мелик Жўраевич Жўраев**ни қутлуг 75 ёшга тўлганлиги муносабати билан самимий муборакбод этамиз. Унга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, тинчлик-хотиржамлик тилаймиз.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва ИИБ Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиқ маркази.

Қашқадарё вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ бўлинма сардори, милиция катта лейтенанти **Сайнави Ҳасанов**ни таваллуд кунин билан самимий табриклаймиз. Дўстимизга узоқ умр, саломатлик, оилавий бахт тилаймиз.

Эҳтиром ила дўстлари.

ОШИҚ ЙИГИТ

(Детектив эмас)

Тонг отди. Ёш, келишган йигит гиштин бино томон аста боришти. У дароҳ остида тўхтаб, атрофни бирма-бир кўздан кечириб чиқди. Ҳеч кимса йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, уйга яқинлашиб, зангори парда тутилган деразани очди ва девор четига оёқ тираб кўтарилмоқчи эди, милиционер унинг биллагидан маҳкам ушлади.
— Қаёққа?
— Уйимга ўртоқ сержант, — пичирлади йигит.
Сержант йигитни таниб, ажабланиб сўради:
— Ўз уйингга ҳам деразадан кирасанми?
— Ахир хотиним мени эшик олдида ўқлов билан кутиб турган бўлса нима қилай?

Мурод ТИЛЛАЕВ.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

ҚЎЙ (21 март — 20 апрель)

Мазкур ҳафтада кенг миқёсдаги ишлар қутилмоқда. Бир томондан саломатлигингиз безовта қилади, бошқа томондан эса амалий музокаралар бўлиб ўтади. Пайшанба ва шанба кунлар моддий аҳволингиз яхшиланиши мумкин. Шунингдек, ажойиб учрашувлар ва кўнглили сафарларнинг гувоҳи бўласиз. Якшанба кунин оилангизда ва шахсий муносабатларда бир оз келишмовчиликлар келиб чиқиши эҳтимолдан холи эмас.

СИГИР (21 апрель — 21 май)

Имкониятларингиз бир оз чегараланади. Ҳозирча ташаббусларингиз қўллаб-қувватланмайди. Шу боис режалаштирилган ишларни бир оз кейинроққа қолдирганингиз маъқул. Сешанба кунин раҳбарлар сизга мойиллик билдирадilar. Мазкур етти кунлик пул жамғариш учун ноқулайдир. Шанба кунин кўнглисизликларнинг гувоҳи бўлишингиз ёки ортиқча пул сарфлашингиз мумкин.

ЭГИЗАКЛАР (22 май — 21 июнь)

Ушбу ҳафтада ўз савий-ҳаракатингиз ёки танишлар кўмагида талайгина келишмовчиликларни муваффақиятли ҳал этасиз. Бироқ оилангизда юзага келган айрим муаммолар бўшасмасликни талаб этади. Шанба кунин оқилона қарорлар қабул қиласиз. Якшанба кунин яқинларингиз ёрдам кўрсатиши мумкин.

ҚИСҚИЧБАҚА (22 июнь — 23 июль)

Ҳафта бошидаги вазият хушёр бўлишга ундайди. Айрим ўзгаришлар туфайли юзага келган янги шароитга кўникинг. Шанба кунин яхши харидлар қиласиз. Чоршанба ва пайшанба кунлар қариндошларингиз бирор муаммога жалб этишса, уларнинг раъйига қараб иш тутганингиз маъқул. Барча ишларни дастлабки кунлар бажариб қўйишни маслаҳат берамиз.

АРСЛОН (24 июль — 23 август)

Мазкур ҳафтада ташвишга тушинингиз ва кайфиятингиз кўтарилиши учун асослар мавжуд. Аввало саломатлигингизни тиклашга эътибор беринг. Кўплаб гоёларингиз қўллаб-қувватланади ва ўзининг дастлабки натижаларини беради. Дам олиш кунлари кайфиятингиз ўзгариб туради. Ҳаётингизда қандайдир ўзгаришлар қилиш ёки сафарларга бориш истаги туғилади.

БОШОҚ (24 август — 23 сентябрь)

Душанба кунин анча жисмоний ишларни бажариб, бир оз асабийлашингизга тўғри келади. Теварак-атрофингиздаги одамларнинг хатоларини айтиб, миннатдорчилик эшитасиз.

Ҳақат ўз кучингизга таяниб иш кўринг. Шу йўл билангина муваффақиятга эришишингиз мумкин.

ТАРОЗИ (24 сентябрь — 23 октябрь)

Атрофда рўй бераётган воқеалар ҳаётингизга таъсир кўрсатмайди. Ажойиб танишувлар, шерикларингизнинг кўмаги ва яқин одамларингиз қувончга тушиши қутилмоқда. Ҳафтанинг охирида эса, аксинча молиявий қийинчиликлар туғилади. Қутилмаган сарф-харажатлар ва қариндошларингиз билан келишолмай қолишингиз ҳам эҳтимолдан холи эмас.

ЧАЁН (24 октябрь — 22 ноябрь)

Мазкур ҳафтада қарз масалаларининг бир қисмини ҳал этасиз, бир оз асабийлашингиз мумкин. Стресс ҳолатига тушиб қолишингиз ҳам ҳеч гап эмас. Пайшанба кунга бориб яқин кишингиз кўмагида бундай ҳолатдан чиқиб оласиз. Дам олиш кунларигача сафарлар ва учрашувларни режалаштирманг.

ЁЙ (23 ноябрь — 21 декабрь)

Дастлабки икки кун омадли кечади. Амалий ишлар ёки оилада юзага келган вазият аралашувингизни талаб этади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ғолиб чиқиб, аҳволингизни яхшилаб оласиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22 декабрь — 20 январь)

Янги гоёлар туғилаётгани ва ишларингиз юришаётганини ҳис этасиз. Тез-тез сафарларга боришингиз мумкин. Пайшанба ва жума кунлар муваффақиятли кечмайди. Бироқ яқин келажакдаги режаларингизни аниқ белгилаб оласиз. Ҳафтанинг иккинчи ярмида соғлигингизни тиклаш учун керакли жиҳозини харид қиласиз.

ҚОВҒА (21 январь — 19 февраль)

Ушбу ҳафтада ёқимли туйғуларга бериласиз. Шахсий ҳаётингиздаги янгиликлар ва ажойиб танишувлар турмушингизни ўзгартириб юбориши мумкин. Танишларингизнинг бирор жойга бориш таклифини рад этманг. Ҳозирча жиддий вазифаларга киришмай турганингиз маъқул.

БАЛИҚ (20 февраль — 20 март)

Яқинларингиздан бирортасининг иши юришмай қолиши сизни ташвишга солади. Душанба кунин шерикларингиз билан муносабатлар бир оз сузлашади, аммо сешанба-чоршанба кунлар аввалги муаммоларни муваффақиятли ҳал этасиз. Дам олиш кунлари кўзлангиз режаларингиз амалга ошмай қолиши мумкин. Шу боис яқинларингиз маслаҳатига кўпроқ қулоқ тутинг.

Бир кам дунё...

ЖАБРДИЙДА... БОЛАЛАР

70-йилларгача АҚШ-да оиладаги зўравонликларга унча эътибор берилмасди. Эндиликда ҳуқуқбузарликнинг бу турига жиноят сифатида қаралади. Сабаби, унинг сони ошиб кетганлиги, доираси кенгайганлигидир.

Оиладаги зўравонликларга қарши курашиш бўйича миллий уюшманинг маълумотларига қараганда, зўравонлардан жабр чекадиган катталарнинг қарийб 95 фоизини аёллар ташкил этади. 15-55 ёшлар оралиғидаги хотин-қизларнинг тан жароҳати олишига оилавий низолар сабабчи экан. Бунинг оқибатида мамлакат иқтисоди ҳар йили 3-5 миллиард АҚШ доллари микдоридан зарар кўрапти.

Аммо ҳаммадан ҳам зўравонликдан болалар кўпроқ жабр чекади. Ҳар йили бу

рақам 3 миллион нафарни ташкил этади. Улардан бир ярим минг зўравонлар кўлида ҳалок бўларкан.

Ота-онаси калтаклайдиган болалар улғайганида бошқа оилаларнинг фарзандларига қараганда тўрт баробар кўпроқ зўравонликка мойилроқ бўлишаркан. Масаланинг мураккаб томони шундаки, катталар жабр кўрганликлари ҳақида полиция ёки судга дарҳол шикоят қилишади. Вояга етмаганлар эса бундай имкониятдан маҳрумдирлар.

Рухшунослар болаларга нисбатан зўравонликларни тўрт гуруҳга бўлишади. Булар жисмоний, жинсий, ҳиссий зўравонликлар ва менсимасликдир.

Жисмоний зўравонлик бо-

лаларни калтаклаш, уларга турли тан жароҳатлари етказиш тарзида намоён бўлади. Бундай болалар одатда катталарга ўта хушомадгўй, ўзларига ишонмайдиган, кўрқоқ бўлишади. Уларнинг ақлий даражаси бошқа тенгдошлариникидан пастроқ бўлади.

Сўраб-суриштирганда бундай болалар кўпинча калтак ейишини яширишади ёки умуман бу мавзудаги саволга жавоб беришдан қочишади. Уларнинг ота-оналари аксар ҳолларда ичкиликбозликка ёки гиёҳвандликка ружу кўйган шахслар бўлиб чиқади.

Менсимаслик бу болаларни назорат этмаслик, улар ҳақида гамхўрлик қилмаслик демасликдир. Бундай ота-оналар фарзандларининг еб-ичиши,

кийиниши билан қизиқишмайди.

Жинсий зўравонликларга дучор бўлган болалар катталарни ёмон кўриб, уларга ишонмай кўядилар. Тунлари ёмон тушлар кўришади, алаҳсирашади, чуқур депрессияга тушишади, бошқалар билан кўпол муомала қилишади. Ҳатто уйдан қочиб кетишгача боришлари мумкин.

Отаси, акалари томонидан калтакланган болаларга ғалати қилиқлар қилиш, ўз жонига қасд этиш ҳақида ўйлайдиган бўлиб қолиш хосдир. Бола ўзининг аҳволидан уялади, буни кўпинча полициячидан яширади.

Ҳиссий зўравонлик боланинг руҳий оламига жиддий зиён етказиши мумкин.

бияланувчини ҳақоратомуз номлар, лақаблар билан чақирувчи, камситувчи тарбиячи унинг қалбини яралайди.

Болага нисбатан бирор-бир кўринишдаги зўравонлик ишлатилганини аниқлаган полициячи буни дарҳол ҳужжатлаштириб, йўриқнома ва полиция департаменти сиёсатига мувофиқ иш тутади. У жабрланувчини изза қилмай ва соғлигини хавф остида қолдирмасдан иш бўйича иложи борича кўпроқ маълумотлар тўплайди. Шундан сўнг жабрдийдага ҳеч қандай айби йўқлиги тушунтирилиб, жисмоний ва жинсий зўрлик аломатларини аниқлаш мақсадида тиббий кўриқдан ўтказилади.

Болага ёрдам бериш мақсадида полициячи тегишли хизматлар, жамоат ташкилотлари диққатини бу масалага қаратади. Асослар етарли бўлса, ота-онани махсус маслаҳат хизматига юбориш, болани нотинч оиладан ҳалос қилиш чоралари кўрилади. Бу жараёнда полициячининг масалани атрофлича ўйлаб кўриши муҳимдир.

Хосиятли ва хосиятсиз жойлар

ШАЙТОНКЎЛ ТИЛСИМИ

Омск вилоятининг Муромцев туманидаги тайга ботқоқликлари орасида Окунево қишлоғи бор. Шу ҳудудда Шайтонкўл бўлиб, унинг тубида ҳинд маъбуди Хонумоннинг бундан бир неча минг йил муқаддам барпо қилинган ибодатхонаси жойлашган.

“Рамаяна” достонида нақл қилинишича, паҳлавон Хонумон Рамга ёвуз кучларга қарши курашда ёрдам беради. Ривоятларда яна айтилишича, Рам ғалаба қозонганидан сўнг Сибирга – сафдоши ҳузурига ташриф буюради.

Хонумон бу ерда кўплаб ибодатхоналарни ўз ичига олган ажойиб шаҳар бунёд этган эди. Ана шу шаҳар ҳозирда кўл тубида – кум ва ботқоқлик остида деб тахмин қилинади. Ҳар йили Окунево қишлоғига ўнлаб экспедициялар, дунёнинг турли бурчакларидан зиёратчилар келишади.

Кўпчиликни кўлнинг шифобахш, хосиятли суви ром этади. Айтишларича, у кўплаб касалликларга, жумладан, рақнинг турли кўринишларига, жигар циррозига даво бўларкан. Кўлдан олинган сувни бир неча йил сақласангиз ҳам айнимас эмиш.

Аммо Шайтонкўлнинг суви ҳақиқатан хосиятли эканлигини синаб кўришни истаганларнинг ҳаммасига ҳам бу сирли жойларга етиб бориш насиб этавермайди. Муқаддас кадамжолар ҳар кимни қабул қилавермайди, дейишади. Кўпинча Окуневога бораман, деб йўлга чиққан одамлар компасга қараб юрсалар ҳам адашиб қоладилар.

Бошқа аномал ҳудудларда бўлгани сингари бу ерда ҳам макон ва замон (вақт) билан

боғлиқ ҳайратомуз ҳодисалар юз бериб туради. Кунларнинг бирида бир гуруҳ зиёратчилар компасга қараб Шайтонкўл сари йўл олишди. Ҳисоб-китоб бўйича бирор соатдан сўнг манзилга етиб боришлар

хосиятсиз кунлар бўлишини яхши билишарди. Бундай кунлар йўлга чиққанлар умуман қайтиб келмаслиги ҳам мумкин экан. Агар эрталабдан осмонда тўқ бинафша ранг булутлар пайдо бўлса, овчилар овга чиқишмайди. Акс ҳолда улар тайга чангалзорларидан қайтмасликлари мумкин.

Бу гадейтопмас жойларда вақти-вақти билан ғалати ҳодисалар кузатилади. Қиш кунларининг бирида овчилар Окунево яқинида ғайриоддий изларга дуч келишди. Уларнинг узунлиги нақ 90 см ке-

монда сирли жисмларни кўриб ҳайратга тушишмайди. Фақат уй ҳайвонлари хавфсизроқ жой излаб қолишади. Шу ерда яшовчи Николай исмли киши ҳатто Окунево яқинида юз берадиган аномал ҳодисаларни суратга ҳам туширган. Ана шундай суратлардан бирида уч нафар зиёратчи, улар орасида эса бир нечта оқ, ялтироқ шарчалар акс этган. Бундай фотосуратлар кўп. Улардан барчасини ҳам плёнка ёки сурат қоғозидаги нуқсонлар билан изоҳлаб бўлмайди-ку! Тўғрими?

Муромцев туманида яшовчи аҳоли аллақачон бу ҳудудда юз бериб турадиган мўъжизаларга кўникиб бўлишган. Енгиналарида суви шундай шифобахш Шайтонкўл жойлашган бўлса ҳам, бу ерлик қарияларнинг камдан-ками ўзининг мустаҳкам соғлиғи билан мақтана олади. Тўғри, улар шаҳарлик тенгдошларига қараганда чидамлироқ. Аммо буни ҳавонинг тозаллиги ҳамда ўзлари кўпроқ жисмоний меҳнат қилиб чиқишгани билан изоҳлашади. Кўпчилик кўлнинг суви бу атрофдагиларга наф қилмайди, фақат келгиндилар учунгина шифобахш деб ҳисоблайди.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, Окунево мўъжизасининг келажак порлоқдир. Ҳар

йили бу жойга янги-янги экспедициялар отланишяпти, баъзи саргузашт талаб қилишлар якка тартибда ҳам келишяпти. Аммо биз саргузашт ишқибозларини яна бир бор огоҳлантиришни истардик: бўлажак сафар сизларга қанчалик қизиқарли туюлмасин, унинг орқасидан қанчалик кашфиётлар қилишингизга ишонманг, барибир, номаълум жойларга якка тартибда сафар қилишдан сақлангиз. Доно халқимиз бундай хосиятсиз жойларни “Борса – келмас” деб бежиз атамайди.

Хориз матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

«ФАЗОВИЙ» АСКАР УЧУН

Массачусетс технология институтида енгиллаштирилган космик ашёлар ҳисобига қуроласлаҳали аскар оғирлигини уч баравар камайтириш устида изланишлар олиб борилмоқда. Аммо бу ишнинг бир томони. Олимлар шунингдек ўқ ўтказмайдиган униформа лойиҳасини тузмокдалар.

Махсус униформа лойиҳачилари янги кийим аскарга деворда “юриш”, ярасини ўзи даволаш ва “кўринмайдиган” бўлишга имкон беришига умид қилишарди. Бундан ташқари, у душманни кўрқувга солиши лозим. Ғайриинсоний имкониятларга эга “фазовий” аскар пайдо бўлиши қандай руҳий таъсир кўрсатишини бир тасаввур қилинг-а,” – дейди дастур раҳбари профессор Нэд Томас.

АЙНИМАС БУТЕРБРОД

Қачонлардир олимлар Пентагон буюртмаси бўйича армия эҳтиёжи учун ишлаб чиққан маҳсулотларни ҳозир ҳар қандай супермаркетдан сотиб олиш мумкин. Улар тухум кукуни, эрувчан қаҳва, эритилган пишлоқ ва бошқалардир. Энди олимлар янги аскар рационни яратиш устида ишламоқдалар. Массачусетс штатидаги ҳарбий лабораторияда уч йил мобайнида ҳам бузилмайдиган “абадий бутерброд” синондан ўтпти.

Бу бутерброд ун, товук гўшти, ширин қалампирдан иборат бўлиб, намликни меъёрга солувчи, шунингдек, бактериялар кўпайишига йўл қўймайдиган махсус модда қўшилган. Уни татиб кўрган аскарлар мамнун бўлдилар. Ҳозир олимлар узоқ сақланувчи пицца, буханкали нон, мексика нони – “буррито”, ерёнғок ёғи қўшилган сандвич емакларни яратиш устида иш олиб боришяпти.

О. ФАРМОН тайёрлади.



Ehtirom

2002 йил – Қарияларни қадрлаш йили

Саидахмад аканинг уйига кўнғироқ қилганимиздан сўнг ҳаял ўтмай бошқармага етиб келдилар.

– Узр, аслида бориш биздан лозим эди, – дедим хижолат бўлиб. – Сиз Навоий вилояти ИИБ Фахрийлар кенгашига раис бўлгач, унинг иши ниҳоятда жонланиб кетгани ҳақида шахсий таркиб билан ишлаш хизмати ходимларидан кўп эшитдим.

– Ҳа, энди кўлдан келганча ҳаракат қилишимиз. Мен бу ишимга маош олмайман. Қолаверса, бунга қараб қолган жойим ҳам йўқ. Савоб ҳам керак-ку! – бошда аста гап бошлаган Саидахмад ака энди суҳбатга киришиб кетди. – Бундан икки йилча олдин бошқарма бошлиғи Алишер Ғофурович чақиртириб, Фахрийлар кенгаши ишига ўзингиз бош бўлсангиз, деди. Хўп, деб ишга киришдим.

Саидахмад аканинг ҳикоясини давом эттирсам, у киши жойларда бўлганларида фахрийларни ички ишлар идораларида тўпладилар, ҳол-аҳвол сўрадилар. Бу учрашувларда туман ИИБ раҳбарлари ҳам қатнашишди, албатта. Мехр кўзда, дейишадди. Юзма-юз гаплашилгач, кимнинг нима дарди, таш-

виши, нияти борлиги аён бўлди-қўйди.

Бу учрашувларга хасталиги туфайли келолмаганларнинг ҳолидан хабар олинди. Улар орасида тўшакка миҳланганлари, ўзгалар қаровига муҳтожлари, ёлғизланиб қолганлари ҳам бор экан. Ҳар

ўзига хос сабоқ бўлди.

Кимсан – узоқ йиллар қатор жазони ижро этиш муассасасига бошчилик қилган, мардлиги, бир сўзлиги билан маҳкумлар ўртасида ҳам, ҳамкасблари ўртасида ҳам бек деб ном қозонган истеъфодаги ички хизмат пол-

ковниги Саидахмад Мадамино в табаррук ёшида эринмасдан бутун вилоятни кезиб чиқса. Эшикка термилиб ётганларнинг ҳолидан хабар олса. Бу ўрнат эмасми?

– Тўғри, фахрийларимиз орасида тетик-бардамлари кўп, – дейди С. Мадамино в. – Айримлари тadbиркорлик билан шуғулланипти, маҳалла оқсоқоли. Менга ўхшаганлари эса оғзидан гап келлади. Уларни бошлаб бориб Маърифат дарсларида ходимлар билан учрашамиз. Ёшларга ўзимиз билган,

амал қилиб ҳаётда кам бўлмаган йўл-йўриқларимизни ўргатамиз. Қўлимиздан келгани шу.

– Яқинда Зарафшон милициясида ходимлар билан учрашув ўтказатган эдик, – дейди оқсоқол. Қарасам, бир ёш йигит бармоқларини буюкиб ниманидир ҳисоблаб ўтирибди. Ҳа, ўғлим, нима ҳисоблаясиз десам, нима дейди денг?

– Хўш?..

– Неча йилдан кейин пенсияга чиқишимни ҳисоблаяман, дейди. Уна-

су, шаҳар менинг кўз ўнгимда қад ростлади.

Саидахмад ака асли андижонлик. Шунинг учун туғилган гўшасига борганида баъзан ҳамқишлоқлари, қариндошлари энди бу ёқларга қайтмайсизми, деб сўраб қолишади. Лекин унинг ўсмирлик йиллари асосан Навоийда ўтди. Шу ерда туп қўйди, палак ёзди. Тўғри, фарзандлари Россия шаҳарларида туғилишди, аммо шу ерда вояга етишди, ўқишди, ишлашди. Иккала қизи ҳам ота изидан бориб милиция хизматини танлашди. Оқсоқолнинг кўп ёру биродарлари шу жойдан. Кўп ёруғ, баъзи ғамгин хотиралари ҳам шу навқирон шаҳар билан боғлиқ.

Шу кунларда у кишининг хаёлини бир орзу банд қилган. Вилоят милицияси тарихи музейини ташкил қилсақ, деб елиб-югуриб юрибдилар.

Ҳа, Навоий милициясида тарихда қолишга, ёш ходимларга ўрнат қилиб кўрсатишга арзигулик саҳифалар, кишилар бўлган, бор. Ана шундай инсонлардан бири истеъфодаги ички хизмат полковниги Саидахмад Мадамино внинг ўзларидир.

Бобомурод ТОШЕВ.

Суратда: истеъфодаги ички хизмат полковниги Саидахмад Мадамино в (ўртада) фахрийлар билан.

ФАХРИЙЛАР ЕТАКЧИСИ

бирига эҳтиёжга қараб ёрдам кўрсатилди. Саидахмад ака вақтидан, оромидан кечиб, вилоятнинг энг чекка Конимех, Учқудук, Томди туманларини ҳам кезиб чиқди. Бир пайтлар олов ёшлиги, қалб кўрини эл-юрт осойишталигига бағишлаган, энди қариганда куч-қувватдан қолган фахрийлар бу ташрифлардан ёш боладек қувониб кетди. Жойлардаги ИИБ раҳбарларига ҳам бу



қада сендан тузук ходим чиқмайди, деб шартга юзига айтдим. Киши соатига қараб ишласа, куннинг ўтишини пойласа, бунақада иш бўлмайди. Берилиб хизмат қилиш керак. Ёшлигимизда азбаройи иштиёқ билан ишлагандан куннинг кеч бўлганини пайқамай қолардик.

– Вилоят марказининг анча-мунча иморатлари қурилишида сизнинг ҳам ҳиссангиз бор дейишадди...

– Мақтаниш эма-

Ёднома

УСТОЗНИ ХОТИРЛАБ

Неъмат ака болалигидан ўт ўчирувчилар хизматига қизиқарди. У пайтда акаси Самарқанд вилояти Жомбой туманида Давлат ёнгин назорати инспекцияси бошлиғи лавозимида ишларди. Балки шу касбни танлашига акаси сабаб бўлгандир.

Ёнгин хавфсизлиги билим юртини тугаллаб ёш лейтенант Сирдарё вилояти Пахтакор тумани ИИБда давлат ёнгин назорати инспекцияси бошлиғи, сўнгра вилоят ИИБ ЁСБ бошлиғи муовини лавозимларида хизмат қилди. 1974 йил Жиззах вилояти ташкил топганидан кейин вилоят ИИБ ЁСБ бошлиғи муовини лавозимида тайинланади. Билимга чанқоқ Неъмат ака ИИБ Ёнгиндан сақлаш олий техник мактабини тугаллайди. Янги очилган вилоятда ИИБ ЁСБни кадрлар билан таъминлаш, туманларда ўт ўчириш қисмлари биноларини қуриш ва моддий техника базасини мустаҳкамлашдек масъулиятли вазифалар олдида турарди. ЁСБ бош биноси тез кунларда битказилади. Ёнгин ўчириш спорт базаси учун ўйингоҳ, тўрт қаватли ўқув минораси барпо этилди.

Қобилиятли, ташаббускор ходимни раҳбарлар кўпдан буён кузатиб келишган экан, унга вилоят ИИБ ёнгиндан сақлаш бўлимига раҳбарлик қилишдек масъулиятли вазифани ишониб топширишди. Неъмат ака ҳар бир ходимнинг турмуш шароити, оилавий аҳволи билан чуқурроқ танишиб борар, уларнинг тўй-томоша ва маросимларини ўзи бош бўлиб ўтказар эди. Неъмат Тўраев ўзининг ҳалол меҳнати туфайли қатор медаллар, кўкрак нишонлари билан тақдирланган.

1985 йили Жиззах шаҳридаги 8 қаватли “Ўзбекистон” меҳмонхонасида катта ёнгин юз берди. Ёнгинни ўчиришга бевосита Неъмат ака раҳбарлик қилгандилар. Ушанда ёнгинда бирорта ҳам киши ҳалок бўлмаган, ҳамма кутқарилганди. Кўрсатган жасурлиги учун Н. Тўраев ва кўл остидаги уч ходим мукофотланди.

“Яхшидан бог қолади”, деганларидек, устозимиз Неъмат ака жуда кўплаб шогирдлар етиштирганлар. Уларнинг айримлари бугунги кунда нафақада. Баҳром Ибрагимов, Абдуазиз Умаров, Маҳмуд Эрматов, Тўлқин Комилов, Тўлқин Файзиев, Эргаш Мамаюсовлар эса турли раҳбарлик лавозимларида ишлашяпти.

Шундай улуғ кишиларга Оллоҳнинг ўзи жаннатидан жой ато этган, охиратларини обод қилган бўлсин.

Раҳматулла БАКАЕВ,
ички хизмат подполковниги.

Ташқаридан

қаралса гиёҳвандлик моддаларини сотиш, сақлаш ёки ўтказиш билан шуғулланган шахсларни тергов қилиш бошқа турдаги жиноятларни содир этганларга нисбатан жўндек туюлади. Гумондор ашёвий далил билан ушланган бўлса, тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, “иш” судга оширилади тамом-вассалом, деб ўйлайдиганлар ҳам йўқ эмас. Аслида-чи?

Терговчи жамиятимизга катта хавф солаётган героин, марихуана, наша каби гиёҳвандлик моддалари олди-сотдисига ўрганиб қолган фуқаронинг ижтимоий аҳволини ўрганишдан тортиб, жиноятга ундаган барча омиллари атрофлича ўрганиб чиқиси зарур. Шундагина тергов ҳаққоний тус олади, пировардида адолат тантана қилади. Сурхондарё вилояти ИИБ тергов бошқармаси гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш бўлимига катта терговчи, милиция майори Шухрат Шамаев ўз иш тажрибасида буни кўп марта синаб кўрган.

Ички ишлар идораларидаги фаолиятини 1992 йилдан бошлаган

Хизмат фидойилари

ТЕРГОВДА ЧИНИҚАЁТГАН ЙИГИТ

бу ходим тўрт йилдирки, гиёҳфурушлик қилиб қанчадан-қанча оилаларга кулфат келтираётган кишиларнинг қилмишини фош этишга ихтисослашиб бораёпти.

– Унга ҳар қандай “иш” ни ишониб топшириш мумкин, – дейди бўлима бошлиғи, милиция майори И. Турсунов. – Истеъдодли ходим ҳар бир янгиликни синчковлик билан ўзлаштириб олишга ҳаракат қилади. Тергов материали судга пишиқ-пухта қилиб топширилмагунча тиниб-тинчимайди. У масъулиятни чуқур ҳис этиши, фидойилиги, топшириқларни ўз вақтида бажариши билан ҳамкасблари ўртасида обрў-этибор қозониб келаяпти.

Шухрат Шамаев ўз фаолияти давомида бундай мақтовларни кўп эшитган. Шунга қарамай мағрурланиб кетмайди, аксинча руҳланиб, ишга жиддийроқ киришади. Йилнинг ўтган даврида биргина гиёҳфурушлик билан боғлиқ ўнлаб жиноят ишларини сифатли тергов қилиб, судга оширишга муваффақ бўлди. Шахсий манфаати ва

чўнтагини мўмай пул билан қаппайтиришни кўзлаб, оғу тарқатишга уринган шахслар суд ҳукми билан жазога тортилдилар.

Баъзан гумондорнинг айбини исботлаш жуда қийин кечади. Тинмай ўз устида изланиши, босиқлик билан иш юритиш ва далилларга таяниб хулоса чиқаришгина қутилган натижани бериши мумкин. Шу маънода яқингинада тергов қилинган бир жиноят иши Шухрат Шамаевнинг ёдида узоқ сақланиб қолса ажаб эмас. Термиз шаҳри 1-кичик даҳада истикомат қилувчи М. Абдурасул оғуфурушлик қилаётганда қўлга тушди. Бироқ тергов даврида жиноят иши материаллари билан танишиш, саволларга жавоб беришдан бош тортиди. Бунинг сабабини эса ўзини ноҳақ айблашаётганида деб кўрсатди. Хўш, нима қилиш керак?

Терговчи гумондорнинг дастлабки кўрсатмасини ўқиб эшиттирди. Унда М. Абдурасул ҳамтовоғи К. Зокирни Жарқўрғон туманига олиб бориб, Тошкентдан келган икки меҳмон – Рустам ва



Илҳом билан таништиргани, икки килограмм героинни 20 минг АҚШ долларига сотиб олишга келишишгани айтилган эди. Шундан сўнг бир неча кун ўтгач, улар биргаликда Зокирнинг хонадонига бориб айтилган миқдордаги гиёҳвандлик моддасини “мижоз”ларга олиб беришаётганда милиция ходимлари томонидан қўлга олинадилар. Гумондор буларни рад этганда терговчи гувоҳларнинг кўргазмаси, героин солинган оқ сумка ва бошқа ашёвий далилларни келтирди. Шунда М. Абдурасул нима дейишини билмай ер чизиб қолди.

Истеъдодли терговчи айни пайтда оғуфурушликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида бошқа хизматларнинг ходимлари билан ҳамкорликда вилоятдаги корхона, ташкилот ва муассасаларда бўлиб, тушунтириш ишлари олиб бораёпти.

С. ШОДИЕВ.

Суратда: милиция майори Ш. Шамаев.

А. ЗОЛОТАРЁВА
олган сурат.

Жиноят ва жазо

Андрей эндигина 30 ёшни қаршилаган бўлса-да тўрт марта қора курсига ўтириб чиққан. Бу сафар у ўғирлаган палос жабрдийданинг қўшнисиникига бориб қолди. Қандай қилиб дейсизми?

ПАЛОС ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

Навбатдаги бошоғриққа даво истаб юрган Андрей кўп қаватли уйларнинг биридаги хонадон олдида бир оз тўхтаб турди. Адашмаса, кеча ҳам шу хонадонда чиқроқ кўринмаганди. Демак, уйда ҳеч бир зот йўқ. Атрофни бир оз кузатди-да, уйга қараб кетди. У режасини ҳамма ширин уйқуда ётган пайт – сахар чоғи амалга оширишни мўлжаллади.

Андрейнинг тонги “ови” ҳар ҳолда ёмон бўлмади. Ўлжаси – бир дона гиламни ҳамда сервиз идишларни керакли жойга яшириб қўйди. Бир дона палосни кўтариб эса таниши Алишерни кига кириб келди. Каллаи сахарлаб қилинган ташрифдан таажжубланган бўлса-да, мезбон анъанани бузмай меҳмонни уйга таклиф этди.

– Алиш, мана шу палосни сотиб бер, ё ўзинг ол. Пул роса зарил бўлиб қолди-да.

– Менда пул йўқ. Қўшнилари кўрсатиш керак. Бу ўзингникими?

– Албатта ўзимники. Нима қилсанг ҳам пул берсанг бўлгани, – шундай дея Андрей ўзини қаравотга ташлаб ухлаб қолди. Алишер эса дўстининг оғир кунда қорига ярамаслик номардлик дея палосни кўтариб кўчага чиқиб кетди.

У нариги “дом”даги хонадонлардан бирининг эшигини тақиллатди. Эшикни аёл киши очди.

– Опа, бир танишимга пул зарур бўлиб қолди. Шунга мана бу палосини сотаётганди. Олмайсизми?

Аёл палоснинг асл мол экан-

лигини дарров пайқади. Савдолашиб, уни 4500 сўмга харид қилди. Алишер пулни дўстига келтириб берди.

Бозорда савдо-сотик билан шуғулланадиган Ханифа эртаси кун уйга кечки пайт келди. Эшикни очиб, ичкарига кирди. Чироқни ёқди-ю, хайратдан қотиб қолди. Уй ичи алғов-дал-

ғов бўлиб ётарди. У ёқ-бу ёқни кўздан кечирди. Бир дона гилами, бир дона палоси, турли қимматбаҳо сервиз идишлари йўқ эди. У аввалига нима қиларини билмай бир дам ўтириб қолди. Кейин тезда қўшнисиникига милицияга кўнғироқ қилгани чиқди.

– Вой, Ханифа опа, бормисиз? Анчадан бери кўринмайсиз ҳам, – қўшниси Махбуба Ханифани кучоқ очиб кутиб олди. Аёл кишининг ажойиб табиати бор. Агар бирор нарса харид қилса, албатта, бировга айтиб мақтанишни, кўз-кўз қилишни яхши кўради. Махбубага ҳам бу одат ёт эмасди.

– Биласизми, бугун эрталаб бир йигитдан зўр палос сотиб олдим, мана кўринг.

Махбуба қувона-қувона янги харидини олиб чиқди. Уни кўрган Ханифа таажжуб билан қўшнисига қаради.

– Ахир, бу менинг палосим-ку. Уйимга кечаси ўғри тушган экан. Гилам билан палосимни ўғирлаб кетишибди. Ҳозир милицияга телефон қилгани чиққан эдим.

Икки аёл бир-бирларига қараганча бир муддат хайронликдан анграйиб қолишди.

Улар қулишларини ҳам, куйишларини ҳам билишмасди.

Гулистон шаҳрида яшовчи Андрей Асанов Гулистон шаҳар жиноий ишлар бўйича суднинг ҳукми билан етти йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Искандар ЭШОНҚУЛОВ,
милиция майори.

БАҲОНАГА ЎРИН ЙЎҚ!

Косон туманидаги Гувалак қишлоғида яшовчи Қ. Рустамнинг ёши ўттиз бешда, уч нафар фарзанднинг отаси. У гиёҳвандлик моддаларининг фойда-зарарини кўра-била туриб уни истеймол қилиб юрарди.

Кунда-кунора топган пулига “дори” сотиб олиб зериккан Рустам уни ўзи етиштириб, ҳам маза қилиб чекиш, ҳам сотиб, мўмай пул топишга аҳд қилди. Шу мақсадда томорқасида анчагина наша ўсимлигини парваришлади. Ҳосилни йи-

ғиб, “хирмон кўтарди”, яъни нашани қуришиб, истеймолга тахт қилиб қўйди.

Афсус, “дори” сотиш у ўйлаганчалик осон иш эмас экан. Излай-излай аранг харидор топиб, 2 кило қуришилган нашани 800 минг сўмга пуллаётганда милиция ходимлари томонидан қўлга олинди.

УЗОҚҚА БОРМАГАН ҚУВОНЧ

И. Хожамурат бундан бир-икки кун бурун катта бойликни кўз остига олиб қўйди. Агар ўйлаган режаси амалга ошса, унинг Нукус шаҳри Гулойим кўчасида жойлашган хонадонига ҳам сон кирса, ажаб эмас.

У мўмай пулдан келади-ган шоҳона кийим-бошлар, бўлғуси маишатлар, бойваччалар буюртма асосида овқатланадиган хусусий ошхоналарни кўз олдида келтириб, янада ҳовлиқиб кетди. Ўшанда, эҳтимол уни ҳеч ким “такасаланг, ҳеч қаерда ишламайсан”, деб юзига солмайди. Мақсадни тезроқ амалга ошириш керак, холос. Аммо қандай қилиб? Режадаги “луқма” унинг оғзига катталик қилади. Ўйлаб-ўйлаб бу ишни бир ўзи қилишга юраги дов бермади.

Шу боис Хожамурат ўзига ўхшаб кўчада дайдиб юрган маслақдоши А. Бахтиёр билан жиноий тил бириктирди. Уни кўндириш қийин бўлмади.

– Кўрқма, – деди у ош-насининг кўнглини кўтариб, – тегишингни оласан, пул ўртада арра бўлади. Кўзлаган нарсаларимни ўмарсак пичоғимиз мой устида деявер.

Шундай қилиб, улар ўзларига қулай пайтда белгиланган жойга йўл олишди. “Ўроқ болға” кўргони Проектная кўчасида исти-

– Наша сотиб, тушган пулга янги қураётган уйим учун эшик, ром каби қурилиш материаллари олмоқчи эдим, – дейди бошини эгиб Қ. Рустам. – Ўзим ҳам анчадан буён гиёҳвандлик балосига мубталоман...

Офарин! Рустамбой кимларнингдир саломатлигини хавф остига қўйиб, зурриётларининг насибасини қирқиб, бу ҳам етмагандек, майиб-мажруҳ туғилишига олиб келса ҳам чала қолган уйини битириб, наша чекиб, кайф қилиб ётсин эканда-а? Яхшики ички ишлар ходимлари унинг орзуларини чиппака чиқарди. Акс ҳолда...

Ўз мухбиримиз.

қомат қиладиган Сулаймон Давлатмуратовнинг уйи ёнида пайдо бўлишди. Бу ерда ҳар бири 8 минг сўм, умумий баҳоси 120 минг сўмлик 15 дона қарағай ёғоч, баҳоси 300 минг сўм бўлган терак, умумий баҳоси 25 минг сўмлик 12 дона темир қувур анчадан бери уюлиб ётарди. Ўғрилар ана шуларни нишонга олган эдилар. Ва бехато уришди.

Аммо ўғрилар бу билан узоққа бориша олишмади. Профилактика инспекторлари – милиция майори С. Сеитбеков, милиция катта лейтенанти Б. Нурниязовлар орадан кўп ўтмай И. Хожамурат билан Бахтиёрни ушлаб келишди. Энди улар қинғир ишлари учун одил суд олдида жавоб беришади.

И. ҲАЙДАРОВ.

ҚОЗОНГА ЯҚИН ЮРСАНГ...

Ёши етмишдан ошиб илгари беш марта судланган бўлса-да, ўзига тегишли хулоса чиқармаган галлаороллик А. Алимардон навбатдаги жиноятга қўл урди. Ўзига невараси тенги, 5-синфгача нари-бери ўқиган жаззахлик М. Файбуллони шерик қилиб олмоқчи бўлди.

– Эртага бозор, тўрт-беш сўм топиш керак, – деди қария.

Бебош, қаровсиз ўсаётган ўсмир учун текин даромад айна мударра эди.

– Ортиқча пул ҳеч қачон зарар келтирмайди, – дея маъқуллади кўзи қувнаб.

– Отанга балли, ўғлим. Калланг яхши ишлагани учун шунча болалар ичидан сени танлаб олдим. Агар менга қўшилсанг, бел оғритмай пул топиб, яхши яшаш сирларини пухта ўрганиб оласан, – деди А. Али-

мардон унинг бошини силаб.

“Устоз-шогирд” гапни бир жойга қўйиб, кечкурун Қашқабулоқ қишлоғига йўл олишди. Тунги соат иккиларда Б. Нарзиқулнинг оғилхонасига кириб, бир бош сигирни ўғирлаб кетишди.

– Овимиз бароридан келгани рост бўлсин-да, – деди хавотир аралаш Файбулло.

У отахонга шерик бўлганидан ич-ичидан хурсанд эди. Айниқса, ўзи етаклаб кетаётган катта си-

гирни сотиб, мўмайгина пулни қўлга киритишни ўйлаб се-винарди.

– Ўғлим, йўл-йўлакай яна бир “иш” қиламиз. Кетмончи қишлоғидаги Абдусатторни танийсан-а, ўшаникига ҳам “кириб” ўтамиз. Ўлжаларимиз қанча кўпайса, кўп яхши, чўнтагимиз пулга тўлаверади.


Шогирд оғзининг таноби қочиб, устозга қуллуқ қилди. Ўша тунда навбатдаги “ов” мўлжалланган жойда уюштирилди.

Лекин уларнинг қувончи кўпга чўзил-

мади. Кетма-кет ўғрилиқ ҳақида хабар тушгандан кейин ички ишлар бўлимида ўғриларни топиш ва қўлга олиш учун режа ишлаб чиқилди. Олиб борилган тезкор-қидирув ишлари давомида содир этилган ҳар икки жиноят ИИБ ходимлари томонидан фош этилди. А. Алимардон ва М. Файбуллоларнинг қисқа вақт ичидаги “фаолияти” тергов жараёнида обдон ўрганилди. Айблари исботлангач, узоқ муддат “дам” олиб келишлари қонун ҳимоячилари томонидан таъминланадиган бўлди.

Шундай қилиб, қариб қуюлмаган А. Алимардоннинг “қораси” шогирдига ҳам юкди.

Сарвар ҚОСИМОВ.



Кўп йиллик тажриба панд бермади. Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ИПХ бўлимида ноизири, милиция сержанти Иззатилла Алимов ҳужжатсиз юк олиб кетаётган ҳайдовчинини маънавий етмасдан тўхтатди.

Т. КАРИМОВ олган сурат.

Килмиш-қидирмиш

ШИЙПОНДАГИ
ҚОТИЛЛИК

...Ўша куни улфатлар жам бўлганида ўшлик Мунаввар келиб уларга қўшилди. Бир оз суҳбатлашиб ўтиргач тилга кирди:

– Йигитлар, бекорчидан худо безор, дейдилар. Бу ерда беҳуда валақлашиб ўтиргандан не наф? Юринлар, яхшиси бирор иш қилайлик.

– Хўш, қанақа иш қиламиз?
– Ҳозир кўчага чиқиб битта машинани тўхтатамиз. Кейин ҳайдовчини алдаб хилват жойга олиб борамизда ўлдирамиз. Машинасини эса ўш шаҳрига олиб бориб сотамиз. Кўриб турибсизларки, ҳамёнимиз сўму долларларга тўлади-қолади.

Мунавварнинг бу таклифи йигитларга маъқул тушди.

“Тико” турибди. Мунаввар унга яқинлашиб ҳайдовчи билан борар жойларини айтиб савдолашди. Кейин йигитларни чақирди. Ҳаммалари машинага ўтиришди.

Йўл-йўлакай Асадбекни ҳам олволишди. Сўнг маши-

Пахтакор қишлоғини яхши билардим. Негаки, қайнотам шу ерлик бўлиб, мен уникига тез-тез бориб турардим.

Вақт ўтказиш учун хотиннинг жияни яшайдиган хонадонга кирдик. У ердан бир оз нон ва сув олиб чиқдим. Шарифбой билан Абдурайим рўзадор экан. Шу билан оғиз очилди.

Кун ботиб қош қорайгач, машинага ўтириб яна ортимизга қайтдик. Режага кўра тўппа-тўғри бояги кимсасиз шийпонга қараб юрдик. Етиб келгач, Шарифбой ҳайдовчининг бўйнидан кучиб туриб:

– Ака, исмингиз нима эди? – деб сўради. Ҳайдовчи жавобга оғиз жуфтлаб улгурмай у саволини яна икки-уч бор такрорлади. Кейин пичоқни

олиб, унинг бўйнига қадади. Мен эса ўтирган жойимда оёғимни узатиб, тормозни босдим-да, ҳайдовчига:

– Тез машинадан туш, – деб ўшқирдим. Бечора кўрққанидан менга итоат қилди. Бу пайтда орқа ўриндиқда ўтирган учовлан машинадан тушиб ҳайдовчи томонда уни кутиб туришарди. Ҳайдовчининг кетидан мен ҳам тушдим. Кейин унга қараб:

– Шийпон ичига кир, – дедим.

Аммо ҳайдовчи кўнмай дала томонга қараб қочди. Шарифбой билан Абдурайим тезда уни кетидан қувиб кетишди ва ушлаб олиб ерга

ётқизиб ура бошлашди. Шу орада биз ҳам уларнинг олдида бордик. Мен бўйнимдаги қора шарфимни ечиб Шарифбойга тутқаздим-да:

– Мана буни ол, баччагарнинг бўйнига ўраб бў! – дедим.

Шарифбой айтганимни қилди. Кейин пичоғимни олиб, шундоқ ҳам бўғилиб ўлаётган ҳайдовчининг бўйнига қадаб икки бор тортдим. Шарифбой ҳам мендан ўрناق олди. Аммо ҳайдовчи жон ҳолатда типирчилайверди. Бундан дарғазаб бўлган Абдурайим сопи пластмасали тўғни унинг юрагига икки бор санчди. Қон фаввора бўлиб отилди. Бир оздан сўнг типирчилаб турган ҳайдовчи тинчиб қолди... Унинг чўнтагини кавлаб 1000 сўм пулини олдик.

Шундай қилиб, босқинчилар мурдани шу ерда қолдириб, “Тико”ни ҳайдаб кетишди. Рулни Абдурайим бошқарди. Ёнига тўдабоши Мунаввар ўтирди. Қолганлар орқа ўриндиққа жойлашишди. Улар чегарадан ўтиб ўш шаҳрига етиб боришди. У ерда йўл-йўлакай сотиб олган бир шиша ароқни ичиб, сигарет тутатишди.

Тунни тўдабоши Мунавварнинг уйда ўтказмоқчи бўлишди. Бир оз ўтиришгач, Абдурайим:

– Мен Андижонга қайтмасам бўлмайди. Уйимиздагилар хавотир олишади, – деб туриб олди. Шарифбой билан Асадбек Мунавварнинг уйда қолишди. Эртасига эса улар “ўлжа”ни сотиш учун Қора-

сувга қараб жўнашди. Аммо хужжатсиз машинани сотиб олишга ҳеч кимнинг юраги дов бермади. Индинига яна машинани бозорга олиб чиқишди. Аммо тагин муддооларига етишишолмади...

Кечки пайт улар ўшга қайтишди. Бироқ тўдабошининг уйига киришмади. Алижон исмли бир танишларининг уйда меҳмон бўлишди. Меҳмондорчилик кутилганича бўлмади. Меҳмонлар телевизор кўриб ўтиришганда уларни милиция ходимлари қидириб топиб боришди.

Воқеанинг бу ёғи сизга маълум. “Тико” ҳайдовчисининг қотиллари суднинг қора курсисига ўтиришди. Жиноятчиларнинг ҳаммалари қилмишларига яраша жазо олдилар.

“Эҳ, аттанг!” дейсан киши афсусланиб. Айни ўйнаб-қуладиган вақти келган бу ёшлар – Шарифбой Тўғинов, Асадбек Фозилов ва Абдурайим Носировлар нега шу кўйга тушишди? Наҳотки, улар шу қадар ваҳшийлашиб, тубанлашиб кетишга улгурган бўлишса?! Йўқ, аслида бунчалик эмасди. Ҳатто улар ўша кунларда рўзадор ҳам эдилар. Гап шундаки, улар бир неча бор судланган, қаҳри ниҳоятда қаттиқ ашаддий жиноятчи Мунаввар Исоқовнинг таъсирига тушиб қолдилар. Унинг айтганини қилиб, йўлидан юриб бадном бўлдилар.

Ўсмир-бамисоли ёш ниҳол. Уни қаёққа эгсанг ўша ёққа қараб ўсади. Бас, шундай экан, “Фарзандларингизнинг тўғри камол топишига эътибор беринг, уларни ёмон ниятли қабиҳ кимсаларнинг таъсирига тушиб қолишдан асранг!” деб бонг урамиз. Ана, кун кеч бўлиб, тун борлиққа қора чойшабини ёйди. Сизнинг фарзандингиз уйга қайтдими? Агар ҳамон уйга қайтмаган бўлса тез суриштиринг; қаерда, кимлар билан юрибди?

Муҳиддин МУСАЕВ,
Мурод КАЛОНХОН.



Абдурайим, Асадбек, Шарифбой биргалашиб шу яқин атрофдаги дўконга бориб, биттадан пичоқ харид қилишди. Мунаввар уларни соат 15.30 да кутиб туришини айтиб, қаёққадир ғойиб бўлди. Шу орада Асадбек аяси кутиб турмоқчи эканлигини билдириб, бозорга кириб кетди. Шарифбой эса дўсти Абдурайим билан эски шаҳардаги темирчилар ҳузурига бориб, харид қилган пичоқларини чархлатди.

Келишилган пайтда учовлон йиғилишди. Мунаввар уларни бошлаб деҳқон бозорининг орқасидаги машиналар тўхташ жойига олиб борди. Қарашса, оқ рангли

на Андижон тумани томонга қараб юрди. Кенг кўчадан ўтиб кетаётганларида Мунаввар ҳайдовчига йўл четидаги шийпонни кўрсатиб:

– Машинани мана шу шийпонга ҳайданг, – деди.

“Шундан кейин, – дейди тўдабоши Мунаввар, – ҳайдовчи рулни шийпонга қараб бурди. Ҳаммамиз машинадан тушдик. У ерда ҳеч ким йўқ экан. Бу ҳолат режамизни амалга ошириш учун жуда қулай эди. Аммо ҳали кун ботмаганди. Шу боис қайтиб машинага ўтирдик. Буйруғимизга кўра ҳайдовчи машинани Жалолқудук туманига қарашли Пахтакор қишлоғи томонга ҳайдади.

МАСТЛИКНИНГ МУДҲИШ ОҚИБАТЛАРИ

Ҳар бир киши йўлга отланар экан, манзилига эсон-омон етиб олиш ва соғ-саломат уйига қайтишни истайди. Йўл эса тасодифларга тўла. Унда ҳаракат хавфсизлигини кафолатловчи ягона омил – йўл ҳаракати қондаларидир.

Афсуски, орамизда қоида талабларини қўпол равишда бузувчилар ҳамон учраб турибди. Уларнинг айби билан йўловчилар жабрланиб қолаётгани ачинарли ҳолдир.

Гагарин шаҳар Пахтакор кўчаси бўйлаб йўл четидан велосипедда бораётган Б. О. ва Р. Б. ларни “Жигули” автомашинаси уриб юборди. Ҳайдовчи жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш ўрнига воқеа жойидан қочиб кетади. “Тутиш” тадбири эълон қилиниб, тез фурсатда йўл ҳаракати хавфсиз-

лиги хизмати ходимлари, милиция майори Т. Расулов ва милиция катта лейтенанти И. Шербоевлар томонидан “ВАЗ-2107” русумли автомашина ушланди. Машина Мирзачўл туманида яшовчи Х. Т. га тегишли булиб, ҳодисанинг автомашинани маст қолда бошқарган укаси Қозоғистон республи-

каси Махтаарал туманида яшовчи Х. А. содир этган экан.

Шу туманда яшовчи Бобур номли 14-мактаб ўқувчиси Ж. Ш. йўл четида кетаётганда орқа томонидан номаълум автомашина уриб юбориб ҳайдовчи воқеа жойидан қочиб кетади. Олиб борилган тезкор суриштирув ишлари натижасида йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари, милиция капитанлари И. Гулмуродов ва А. Бурлиевлар томонидан ушбу воқеани Гагарин шаҳрида яшовчи И. К. ўғли И. Э. га тегишли “ВАЗ-21061” русумли автомашинада содир этганлиги аниқланиб, ушланди.

Қоидабузарлар албатта қилмишларига яраша жазо оладилар.

А. ҚАЮМОВ,
милиция катта лейтенанти.
Мирзачўл тумани.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ИИБ ХАБАРЛАРИ

41 яшар А. С. Урганч тумани Жалолддин Мангуберди ширкат хўжалигида таъминотчи бўлиб ишлайди. Бироқ у қишлоқ меҳнаткашларининг техникасини зарур эҳтиёт қисмлар, бошқа керакли воситалар билан таъминлаш ўрнига секин-аста бангию нашавандларни гиёҳвандлик моддалари билан таъминлашга ўтди. Вилоят ИИБ тезкор вакиллари томонидан олиб борилган тезкор тадбир натижасида унинг уйдан марихуана топиб олинди. Шунингдек, А. С ўз томорқасида кандир ўсимлигини экиб, парваришлайётгани маълум бўлди. Ўзининг дурустгина касбини хор қилиб бел оғритмай мўмай пул топишга уринган кимсанинг тақдири шу-да. Ишқилиб, жазо унга сабоқ бўлсин.

Урганч шаҳар Амир Темур кўчасида яшовчи Ш. Ж. бир дўсти билан баҳслашиб милициянинг тезкорлигига шубҳа билдирди.

У ўзи яшаётган кўчадаги кўз тагига олиб қўйган унинг қулфини бузиб кирди. Хонадондан бир дона “Темп” русумли теле-

визор, аудиоманитофон ва гилламини ўмариб, тезда гумдон қилишга шошилди. Аммо бир кеча-кундуз ўтмай ўзини шаҳар ИИБ тезкор гуруҳи ходимлари қуршовида кўрди. Энди Ш. Ж. милициянинг тезкорлигига ишонган бўлса ажаб эмас.

Жиноят қилдинми, очик-ошкора айбинга иқрор бўлиш, тавба қилиш жазони бир оз бўлса-да енгиллатади. Ҳазорасп туманилик О. ва М. ИИБга келиб “Шарқ юлдузи” ширкат хўжалигида яшовчи Қурбонбой Матрасуловнинг уйига юзларига ниқоб тутган ҳолда бос-тириб кириб, кўрқитиб анча миқдордаги пулини олиб кетганликларини тан олишди.

Янгибозор тумани ИИБ тезкор ходимлари бир шубҳали шахсни ушладилар. Хива тумани Б. Нуруллаев ширкат хўжалиги 8-бўлимида яшовчи бу кимсанинг ёнидан қўлбола тўппонча, шунингдек, героин ва марихуана гиёҳвандлик моддалари топилди.

Мирза АБДУЛЛАЕВ.

«АКАДЕМИЯ» БИРИНЧИ ЛИГАДА

Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати 2-лигаси Тошкент зонаси баҳслари иккинчи босқичида асосан "Посбон" (Тошкент шаҳар ИИББ) ва "Академия" (ИИБ Академияси) жамоалари пешқадамлик қилишди. Ҳаммасини чемпионат якунида улар ўртасида бўлиб ўтган учрашув ҳал қилди. Пойтахт милицияси вакиллари устидан 4:1 ҳисобда ғалаба қозонган "Академия" футболчилари биринчи лигада қатнашиш учун курашаётган вилоятлар чемпионлари турнирида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Ўтиш турнирида жамоа яна муҳлисларни хушнуд этди. "Ўзбекистон" (Пискент шаҳри), "Пахтакор" (Чуст шаҳри), "Китоб" (Китоб шаҳри) ва "Чаганиён" (Денов шаҳри) билан бўлган беллашувларда қимматли 10 очкони қўлга киритди.

Шундай қилиб, "Академия" ўз олдига қўйган вазифани бажарди. Жамоа тарихида иккинчи бор Ўзбекистон биринчи лигасида қатнашаётган чарм тўп усталари сафидан ўрин олди.

У. МАҲМУДОВ,
ички хизмат подполковниги.

МИНИ-ФУТБОЛ ФОЛИБЛАРИ

Жиззах вилояти ички ишлар идоралари ўртасида спортнинг мини-футбол тури бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Икки кун давом этган беллашувда вилоят ИИБ, Ғаллаорол, Дўстлик ва Жиззах туманлари ИИБ спортчилари финал баҳсида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Финал мусобақалари янада қизиқарли ўтди. Вилоят ИИБ жамоаси ғаллао-

роллик ҳамкасбларига қарши майдонга тушиб, эпчил ҳамда маҳоратли эканликларини намойиш этдилар. Улар 11:8 ҳисобда ғолиб чиқиб, биринчи ўринни эгаллашди. Дўстлик тумани ИИБ вакиллари эса учинчи ўрин насиб этди.

Ғолиб жамоаларга вилоят ИИБ раҳбарияти томонидан пул мукофотлари ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Б. БЕГИМҚУЛОВ.

Кўргонтепа тумани ички ишлар бўлимида навбатдаги спорт мусобақалари бўлиб ўтди.

Футбол беллашуви мўъжазгина мини-футбол майдонида бошланиб, унда туман ички ишлар бўлими хизмат соҳалари ходимларидан иборат тўртта жамоа, шунингдек, туман давлат солиқ инспекцияси, Қорасув шаҳар милиция бўлими, Хонобод шаҳар ички ишлар бўлими вакиллари ўзаро куч синашишди. Кўргонтепа тумани ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг ол-

ЎЗАРО КУЧ СИНАШИШДИ

дини олиш гуруҳи жамоаси, Қорасув шаҳар милиция бўлими ва Хонобод шаҳар ички ишлар бўлими жамоалари фахрли ўринларни эгаллашди. Ғолибларга ҳомий ташкилотларнинг мукофотлари берилди. Мусобақанинг энг фаол ўйинчиси, энг яхши дарвозабони деб топилган ўйинчиларга ҳам қимматбаҳо совғалар топширилди.

Тадбир сўнггида ўқ отиш мусобақаларида яхши натижаларга эришган туман ИИБ ЖК ва УЖҚБ тезкор вакили, милиция капитани Б. Усмонов, тергов бўлими маси бошлиғи, милиция майори И. Азимов, шунингдек, спорт мактабининг 6 нафар энг фаол аъзоси ҳам тақдирланди.

А. ИСКАНДАРОВ,
милиция катта лейтенанти.

Танловга марҳамат!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИБ ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ

2003 – 2004 ўқув йили учун

Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларига номзодлар танловини эълон қилади

Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларига – ИИБ Академияси, Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби, Тошкент олий ҳарбий техника билим юртига Тошкент шаҳрида яшовчи, умумий ўрта маълумотга эга ҳамда умумий таълим мактабининг 11-синф ўқувчилари, касб-ҳунар коллежлари ва лицейларнинг битирувчилари, шунингдек, ҳарбий хизматни ўтаб келган ўрта маълумотли ёшларнинг шахсий ҳужжатлари расмийлаштирилади.

Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларининг кундузги бўлим бўйича ўқиш муддати – 4 йил, сиртқи бўлим бўйича ўқиш муддати – 5 йил (сиртқи бўлимга ички ишлар идораларининг ходимлари ўрнатилган тартибда қабул қилинади).

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНУВЧИЛАРНИНГ ЁШИ:

1. Ички ишлар вазирлигининг Тошкент олий ҳарбий техника билим юртига:

– фуқаро ёшлар учун 17 ёшдан 21 ёшгача;
– ички ишлар идораларининг оддий ва кичик бошлиқлар таркиби, ҳақиқий ҳарбий хизматдаги муддатли ва муддатидан ортиқ ҳарбий хизматчилар, захирага чиққан ҳарбий хизматга мажбур шахслар учун – 23 ёшгача;

Номзодларнинг ёши ўқишга қабул йилининг 1 сентябрга қадар ҳисобланади.

Номзодларнинг бўйи 170 см дан паст бўлмашлиги шарт.

2. ИИБ Академиясига:

– фуқаро ёшлар ҳамда ички ишлар идораларининг оддий ва кичик бошлиқлар таркибидаги ходимлари учун – 17 ёшдан 25 ёшгача;

Номзодларнинг ёши ўқишга қабул йилининг 31 декабрга қадар ҳисобланади. Шунингдек, ИИБ Академиясига фарзанди бўлмаган, турмушга чиқмаган қизлар ҳам танлов асосида қабул қилинади.

ҚИЗЛАР УЧУН ТАНЛОВ АЛОҲИДА ЎТКАЗИЛАДИ.

Ўсмирлардан иборат номзодларнинг бўй-баста 170 см дан, қизлардан иборат номзодларнинг бўй-баста эса 160 см дан паст бўлмашлиги шарт.

Номзодлар ўзлари билан фуқаролик паспорти, чақирув ёки ҳарбий гувоҳнома ва маълумоти тўғрисидаги ҳужжатларни олиб келишлари лозим.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, "Марказ-4", ИИББ спорт мажмуи.

Мўлжал: "Дўстлик" меҳмонхонаси.

Мурожаат учун телефонлар: 144-61-65, 56-99-42. ички тел: 29-42, 20-91.

ИИБ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабига ўқишга кирувчи номзодларни қабул қилиш ва расмийлаштириш Тошкент шаҳар ИИББ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси томонидан олиб борилади. Мурожаат учун телефонлар: 144-10-20, 34-51-86.

Тошкент шаҳар ИИББ.

Тошкент шаҳар Бектемир тумани 2-Катталар таълими маркази томонидан 1996 йилда Собиров Ойбек Набижоновича берилган УЗА 013052 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

КРОССВОРД

ЭНИГА: 1. Соҳа, йўналиш. 6. Тозалик анжони. 9. Лапшанг, уздабурон эмас. 10. Спортчи. 11. Хайдовчи. 12. Атроф, худуд. 13. Ўзбекистоннинг Кумушга дастлабки таърифи. 16. Керагидан зиёд. 18. Мато тури. 20. Жавобгар. 21. Падар. 23. Авлоддан авлодга давомийлик. 24. Йигитча. 25. Уруғлардан бири. 26. Ҳашарот. 27. Андоза. 28. ...-суғурта. 30. Қўзғин, долзарб. 33. Афл, юз. 36. Солиқ. 38. Чидамли, босиқ. 39. Йўл бошловчи. 40. Қонун. 41. Эшикдан кириш жойи. 42. Кичик ҳажвия.

БЎЙИГА: 1. Синфга бўлиниш. 2. Энг

1	2	3	4	5	6	7	8	
		9						
10					11			
		12						
13	14	15	16	17		18	19	
20				21	22	23		
		24						
25			26		27			
28	29	30	31	32		33	34	35
		36				37		
38						39		
			40					
41						42		

ЎТГАН СОНДАГИ БОШҚОТИРМАННИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Очқич сўзлар: I. Қонун. II. Ҳуқуқ. III. Мерэ. IV. Сенат. V. Майор. VI. Туман. VII. Гувоҳ. VIII. Акция. IX. Модда. X. Холис. XI. Армия. XII. Битим. XIII. Гросс. XIV. Ҳоким.

Криптограммадаги сўзлар:

КОНСТИТУЦИЯ – ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ АСОСИДИР.

Фаргона вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби республика ИИБ Бирлашган таҳририятининг Фаргона вилояти бўйича ўз муҳбири М. Кимсанбоевга падари бузруквори

КИМСАНБОЙ ҳожи отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадilar.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЙҲХББ раҳбарияти ва шахсий таркиби Бош бошқарма катта инспектори, милиция майори А. Нарзиевга онаси

РАҲНОХОН аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадilar.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Бирлашган таҳририятининг муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадilar.

КИМСАНБОЙ ҳожи отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадilar.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Фахри йиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази жамоаси марказ котибаси З. Мансуровага онаси

Зиягул МАНСУРОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИБ БИРЛАШGAN ТАҲРИРИЯТИ

MANZILIMIZ:
700029,
Toshkent,
Yunus Rajabiy
ko'chasi, 1

Gazeta haftaning payshanba
kunlari chiqadi.

Bosh muharrir
Shuhrat
MURODOV

Bosh muharrir
o'rinbosari v.b.
Murod TILLAYEV

Mas'ul kotib
R. BERDIYEV
Navbatchi:
S. SHAMSIDDINOV
Musahhihlar:
M. AKRAMOVA
G. XOLIQOVA

Sahifalovchi:
Z. BOLTAYEV

TELEFONLAR:

Bosh muharrir
o'rinbosari 139-75-69.

Kotibiyat 139-73-88

muxbirlar
bo'limi 139-75-69.

Buxgalter 139-75-37.

Faks 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalari
bo'yicha murojaat uchun
faks: 54-37-91
Tel.: 59-23-08

E-mail:
urmvd@globalnet.uz

Bizning hisob
raqamlarimiz
«Ipak yo'li»
aksiyadorlik
investitsiyaviy
tijorat bankining
Mirzo Ulug'bek bo'limi.
Hisob raqami:
20210000700447980001,
MFO 00421.

• Ko'chirib bosishda
«Postda» dan ekanligini
ko'rsatish shart.
• Muallifning mulohazasi
tahririyat fikriga mos
tushmasligi mumkin.
• Qo'lyozmalar tahlil
qilinmaydi va
qaytarilmaydi.

Gazeta O'zbekiston
Respublikasi Davlat matbuot
qo'mitasida 00007 raqam
bilan ro'yxatga olingan
Buyurtma Г – 1142.
Hajmi – 4 bosma taboq.
Bosilish – ofset usulida.

Bosishga topshirish
vaqti – 19.00.
Bosishga
topshirildi – 19.00.

Obuna raqamlari:
Yakka tartibda – 180
Tashkilotlar uchun – 366

40 118 nusxada chop etildi.

«SHARQ»
nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili:
Buyuk Turon ko'chasi
41-uy.

1, 2, 3, 4, 5, 6.